

1-МАВЗУ: И.А.КАРИМОВНИНГ МИЛЛИЙ МА'НАВИЙ ТИКЛАНИШ КОНСЕПСИЯСИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲҚАМЛАШДАГИ ЎРНИ.

Режа.

- 1. Ислом Каримов томонидан миллий тикланиш концепсияси ишлаб чиқилиши ва унинг аҳамияти.**
- 2. Ислом Каримовнинг ма'навият тушунчасига та'рифи, унинг методологик аҳамияти.**
- 3. Мустақиллик йилларида миллий ма'навиятнинг тикланиш ва ривожланишида Ислом Каримовнинг хизматлари.**

Ҳар қандай жамиятда мамлакат раҳбарининг ўз ўрни ва мавқеи мавжуд бўлади. Унинг сиёсий-ма'навий аҳамияти айниқса, эски жамиятни синдириб, янги давлат асосларини барпо этишда яққол намоён бўлади. Давлат бошлиғининг илғор фикри, қарашлари мамлакатда туб ўзгаришларни амалга оширишда ғоят асқотади. Кўп ҳолларда мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий тараққиёт тақдири билан узвий боғланиб, сиёсий арбоб фаолиятида ўз ифодасини топади. Давлат бошлиғининг зукко ва дадиллиги долзарб муаммоларни ўз вақтида донолик билан ечимини топишда ҳам қўл келади. Ундан миллат, давлат шунингдек жамиятнинг барча табақалари манфаат кўради, ривожланиш тезлашади.

Етакчилик қилувчи арбобнинг энг асосий хусусиятларидан бири сўз ва иш бирлиги, фармон ҳамда ҳукмларини мамлакат ҳаётига тадбиқ эта олишдир. Унинг бу хусусиятлари раҳбарликни амалга ошириш салоҳиятида, шахсий намуна бўла олиш қобилиятларида ўз аксини топа боради.

Стратег раҳбар эл-улусни ҳам, мамлакат иқтисодини ҳам, қолаверса ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини таназзул ҳолатидан қутқариб Ватаннинг гуллаб-яшнашига йўл очади. Халқига осойишта, фаровон турмуш кечириш имкони яратиб беради. Юртбошимиз зиммасига энг оғир вазифа Ўзбекистон мустамлакачилик зулмидан энг кўп азоб чеккан, шунингдек империя сифатида талвасаси энг авжига чиққан ҳамда таназзули муқаррар ҳалокатга келган пайтга тўғри келди. Бундай пайтда миллат ҳам, раҳбар ҳам энг катта рухий зўриқиш жараёнига киради. Ана шу мураккаб вазият ва шароитларда юртбоши малакат ва эл-улусни ҳалокат гирдобидан тараққиётнинг ишончли ва нурли кенгликларига олиб чиқучи ҳаётини ишлаб чиқа олди. Мамлакат фуқароларини ушбу танланган йўл стратегиясининг

тўғрилигига ишонтира олди. Ишонтириш ва шу йўлдан дадил бошлаб бора олиш бу исте'одли раҳбарнинг йирик ютуғидир. Мураккаб вазифаларни амалга ошириш гарои, ғалабалар калитидир.

Ишлаб чиқилган Концепсиянинг асосий моҳиятида Миллий тикланиш мазмуни ўзининг тўла-тўқис ифодасини топди. Миллий тикланиш устувор ўринни эгаллаган концепсия замирида янги жамият ва унинг ма'навий ҳаёти манзараси тиниқ ифодалаб берилди. Ундан ма'навият шахс ривожланиши, камолати ва жамият тараққиётини та'минловчи асосий омил ва мезон сифатида та'кидлаганки, бу билан ма'навий ҳаётнинг кишилиқ ҳаётида ўйнайдиган ўрни ва роли беқиёс эканлиги қад этилади. Агар жамиятнинг ма'навий ҳаёти сиёсий, иқтисодий, шунингдек миллий зўриқиш ва зидиятлардан ҳоли қилинмас экан, мазкур мамлакатни тараққиётга олиб чиқиш қийин ва мураккаб кечади. Инқироздан тараққиётга ўтиш босқичи узоқ чўзилиб кетади. Аксинча тараққиётнинг асосий шартларидан бири мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни вужудга келтириш ва та'минлашдир. Бу шарт шахс камолати ва жамият тараққиёти учун бирдек заруратдир. Президентимиз И.А.Каримов ана шу шарт ва мезонларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва ролини стратег раҳбар сифатида мустақиллик тонгидаёқ англаб ва илғаб, уларни ўзи муаллифлик ва бошловчилик қиладиган жамиятни тубдан янгилаш ва ислоҳ қилиш Конституциясининг ўзаги ва негизи қилиб белгиланди. Унинг илмий ва фалсафи асослари аниқ ва тиниқ манзарасини ярата олди. Ана шу концепсиянинг илк пойдеворини рамзий ма'нода Президент Ислом Каримовнинг юртмиз мустақиллиги қўлга киритилгандан сўнг қарийб бир йил кейин дунё юзини кўрган “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида яратганлигини та'кидлаш жоиздир Ўзбекистонни тараққиётга буриб юборишда ма'навий соҳадаги бош вазифалар мазкур асарда ўз ифодасини топди. Шунини та'кидлаш лозимки, Шўро тузуми даврида миллий тикланиш, миллий кадрият, миллий тил, миллий маданий мерос каби исте'омдан чиқариб ташланган тақик сифат сўзлар Президентимиз асарида жило топгач, миллатимизнинг севиб-суюнчланиб айтилувчи сўзлари сифатида луғатимиз саҳифасидан ўрин олди, муомалага киритилди.

Ушбу асар қадрли шу бўлдики, янги жамият қуришга киришган халқимиз учун Ма'навий ҳаётни миллий кадриятлар илдизларига таяниб вужудга келтириш Дастури, йўл кўрсатувчилик миссиясини бажарди. Мазкур асарда юртбошимиз Ўзбекистонда янги жамиятнинг

ма'навий асосларига доир тўртта таянч негизларини белгилаб берган эди:

- Умуминсоний қадриятларга содиқлик.
- Халқимизнинг ма'навий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.
- Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши.
- *Ватанпарварлик.1*

Президентимиз Умуминсоний қадриятларга муносабатини билдириш билан ўзбек халқи қадим-қадимдан бошқа халқларга энг яхши истаклари-ю дўстлик қўлини узатиб келганлиги бошқа халқларнинг турмуши, ҳаёти жараёнидаги урф-одатлари, ан'аналари, қадриятларини

1.И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: "Ўзбекистон" 1993, 74-бет.

Хурмат қилиши каби фазилатларини назарда тутган эди. Бу билан халқимиз азалдан дўстпарвар ўстликнинг қадрига етувчи бўлганлигига ишора қилганлигини англаб оламиз. Ҳақиқатан ҳам халқимиз Президентимиз та'кидлаганларидек дўстликнинг қадрига етиш, унга содиқ бўлиш, бағрикенглик қилиш улар билан тинч-тоту яшашда барча ибрат бўларли ан'аналарга эга бўлган бу муносабатларни ардоқлаган, авайлаб авлодларимизга етказиб келишган. Мақол ва маталлар тўқишган, ўзингга раво кўрмаган нарсани ўзгага ҳам раво кўра, дўстинг учун заҳар ют! Юз сўминг бўлгунча, юз дўстинг бўлсин. Ва шунга ўхшаш юзлаб мақоллар ўзга халқлар, элатлар, қўшни халқларга муносабат қандай инсоний туйғуларда ифодаланганлиги далилдир.

Дунёда ўзбек халқи муболағасиз айтиш мумкинки, энг байналмилал, умумбашарий қадриятларни э'озловчи халқлардан биридир. Президентимиз та'кидлаган иккинчи негиз бу- халқимизнинг ма'навий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масаласидир.

Масаланинг долзарблиги шундаки, қарйиб бир юз эллик йил мобайнида мустамлакачилик тузуми ва тизимининг даҳшатли та'қиб ва қўрқув салтанати остида яшаган халқимиз Жаҳон э'тироф этган ўз буюк аждод алломалари, даҳолари яратган илмий, ижодий мерослардан бебаҳра ҳаот кечиришга мажбур этилди. Ўз юртида ўзгалар зулми остида яшади, буюклари яратган илму-ҳикматдан маҳрум этилди, тафаккури зангланилди, ма'рифатдан узилди. Мустақиллик мустамлакачиларнинг бу адолатсиз сиёсатига барҳам бериб адолатни қайта тиклади. Аждодлар ва авлодлар ўртасида

узилган ма'рифий-маданий ришталар мустаҳкам боғланди, ме'ёрий ҳуқуқларда ўз ифодасини топи. Президентииз буюк даҳо бобокалон аждодларимиз яратган илмий ма'навий меросларимизни унинг ҳақиқий меросхўрларига қайтаришнинг беқиёс ўрнини ҳаммадан кўпроқ тушунди. Унда юртбошимиз чинакам жўшқинлик ва ғайрат кўрсатдики унинг бу йўлдаги хизматлари таҳсинга мутлақ лойиқдир, миллат олдидаги буюк ишларидан бири бўлди. Президентимизнинг асосий талаби фақат мерос эгалари бўлиб қолиш эмас уларнинг я'ни улуғ аждодларимизнинг илмий меросини чинакам ўзлаштирибгина қолмай, Ўзбекистонимиздаги ҳар бир ёш авлод, ёш олим, ижодкор ўз улуши, ҳиссасини қўшиб ватаннинг куч-қудратининг ошувини та'минлашдан ибора.

-Инсоннинг ўз имкониятларини намоон қилиши ма'навий ахлоқий негизларининг таркбига киритилиши ҳам бежиз эмас. Бу инсон омили билан боғлиқ муаммодир.

Инсонга илоҳдан катта ақлий, шунингдек жисмоний қувват ато қилинган. Бу билан у атроф-муҳитга ўз та'сирини откадади. Лекин энг асосий нарса қандай ижтимоий муҳитда инсон ўз имкониятларини тўла рўёбга чиқаради? Унда ижтимоий муҳит муҳим омил сиатида катта ўрин тутати. Агар жамиятда инсон ўз имкониятларини ишга сола олмас экан, унинг икки сабаби бўлади. Биринчиси бу жамият бир инсоннинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариш шарт-шароитларини яратиб бера олмаса шунингдек уни ҳуқуқий-ме'ёрий ҳужжатлат, қонун ва қоидалар тизимини ҳаётий қилиб белгилай олмаса ҳамда бундай қонунлар бўлса-ю бироқ уларни амалиётга тадбиқ қилиш механизми яратилмаганда инсон инсон имкониятлари қафасдаги қуш мисоли ижтимоий муҳит занжирида бўлади. Иккинчиси инсон юқорида зикр этилган зарур даражада муҳит та'минланган бўлса-ю уни рўёбга чиқариш имкони болмаса, демак бунда инсо ўз имкониятларини намоён этишда шахс сифатида фаолиайсизлиги, дунёқарашидаги пессимистик ҳолати, ўзидан кучли, ҳаракатча, мулоҳазали, ақлли инсонлардан ибрат ола билмаслиги, ўзига-ўзи танқидий ёндашмаслиги а шу асосда ўз-ўзини тарбиялаш усулини қўллай олмаслигидадир.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач ёш авлоднинг ўз имкониятларини эркин намоён этишлари учун барча шарт-шароитлар тўла яратилди. Айниқса касб-хунар, илм-фан соҳасида жаҳоннинг илғор давлатларида малака ошириш, университетларида таҳсил олиш имкониятлари мавжудлиги шулар жумласидандир.

Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилишда Ўзбекистонда демократик жамият барпо этилаётганлиги бу жараёнда унинг орни ғоят катта эканлиги ўз-ўзидан равшан. Энг аввало демократик жамиятнинг энг муҳим мақсад ва вазифаларидан асосий бу инсоннинг ўз имкониятларини ҳар томонлама ишга солишни таъминлаш ижтимоий шарт-шароитлар муҳитини таъминлашдан иборатдир. Гарчи демократик жамият деб эълонқилинсада. Бироқ шахснинг имкониятларини тўлақонли намоён этиш каби ҳолатни таъминла олмас экан. Бу жамиятга демократия сўзини қўшиб айтиш билан, ушбу жамият демократик бўлиб қолмайди. Президентимиз йўлбошчи сифатида буни чуқур англаб, инсон имкониятларини эркин намоён қилишни таъминлайдиган, айниқса ёшларга даҳлдор ҳуқуқий ҳужжатлар, фармонларда, Давлат дастурларида ифодасини топиш чора-тадбирларини белгилаб берди. Улар ижтимоий ҳаёт катламларига тобора кунба-кун сингиб бормоқда самаралари яққол кўзга ташланмоқда. Шунинг ўзиёқ Президентиизнинг илмий, назарий қарашлари ҳаётнинг оғр синовларига бардош бериб қолма, эришилаётган ютуқлар калити ва гарови эканлигининг далили дейиш мумкин. Ниҳоят, тўртинчи негиз бу президентимиз илгари сурган Ватанпарварлик туйғуси ва уни шакллантиришдир. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, юртбошимизнинг Ўзбекистон ва ўзбек халқи номидан иш юритиш фаолияти бошланган дақиқаларданок олий минбарларда ирод этган нутқлари, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик олдидаги чиқишларигача барчасида Ватан ва ватанпарварлик масалалари ўрин олмаган. Ватанни севиш-ардоқлаш асосий ўринда турмаган бўлсин. Дунёга Ватан озодлиги ва мустақиллигини бемисл жасорат билан эълон қилган юртбошимиз уни сақлаш, кўз қорачиғидек асраш, ҳимоя қилиш бурчини миллатимизга уни ватанпарварлик туйғуси билан мужассамлаштирган эди. Бу туйғунини мозийдаги ватан деб наъра тортган улуғ аجدодларимизнинг жасоратга тўлган ҳаётларидан қидириб, Ватанни англаш, у йўлда иккиланмай фидо бўлиш намунасини бугун учун ибрат қилиб, тарих илмининг унда беқиёс аҳамиятини таъкидлайди. Дарҳақиқат шу она заминда туғилиб, унинг ҳар бир қаричи ва сиқим тупроғини муқаддас деб билмаган инсон Ватанга муносиб фарзанд бўлолмайди, маънавий қашшоқ ода Ватан тақдирига бефарқ бўлади. Миллат қадрига ҳам ета олмайди. Ватан ва миллат қадрини англаб етмаслик маънавий қашшоқликнинг мудҳиш кўринишидир. Ўзликни англашдан йироқлашишдир.

Ҳозирда “Миллий Тикланиш” ва Миллий Тараққиёт атамаларига тез-тез дуч келмоқдамиз. Бу тушунчалар мазмун, моҳиятини англаш қандай аҳамият касб этади. Унинг мазмуни ва моҳиятини англаш ҳамда тушуниб олишда қайси мезонлар ўлчамига таянилиши зарур.

Буни англаш учун миллий мерос, тарихий хотира, миллий қадриятлар, миллий маданият, миллий уйғониш халқнинг вужудга келиш заминлари, турли даврлардаги сиёсий, иқтисодий юксалишларнинг Шарқ ва Ғарб халқларга нисбатан ва қиёсан тутган ўрни, мавқеини тарихий жараёнлар занжирида идрок қилиш лозим.

Миллий Тараққиёт – эволюцион ривожланиш хусусиятига эга бўлсада тарихий давр ва жараёнда миллатнинг вужудга келиши, ривожланиши, шунингдек юксалишини мужассамлаштирувчи, ижтимоий-тарихий ҳодисадир. Тарихий воқелик ва ҳодисалар изчиллик асосида қуйидан юқорига узлуксиз ривожланишда даом этади.

Миллий Тикланишнинг миллий тараққиётдан фарқли хусусияти шундаки, бу тарихий ҳодиса тарихнинг ма’лум бир бурулиши ёки босқичларидагина рўй беради. Кўпгина миллатлар тарихига назар солинса, уларнинг ма’лум бир даврда юксалиши, сўнгра унинг ўрнини тараққиётдаги сустрлик ёхуд умуман миллат инқироzi, катта йўқотишлар билан алмашилиб турганлиги гувоҳи бўлиш мукин. Чунончи Амир Темур ва Темурийлар давридаги юксалиш ва тараққиёт унинг обектив ва суб’ектив сабаблари, сўнгра хонликларга бўлиниш, унинг салбий оқибатлари миллатнинг қарахтлик ҳолати юзага келиши, хонликлараро низолар, ундан фойдаланган чоризм ва шўро босқинлари натижасида Мустабиб мустамлакачилик тузум зулми амалга оширилиши каби тарихий ҳодисалар занжиридаги парокандаликлар рўй бериши бу миллатимиз қора кунлари эди.

Тарихнинг об’ектив ҳодисаси сифатида СССР тоталитар режими емирилиши, даҳоликни да’во қилган КПСС сиёсий арбоблари йўл қўган хатолар (суб’ектив сабаб) мужассами натижаси ўлароқ империя ҳалокати та’минланади. Тарихий-шароит Миллий мустақилликка йўл очди. Миллий мустақиллик эса миллий тараққиёт ва миллий тикланишга имконият яратди. Демак бирон-бир миллатнинг ижтимоий ҳаёти босқинчилик, зўрлик воситасида миллий тараққиётнинг маҳсули бўлган миллийликка даҳлдор барча хусусиятлар – миллий мерос, миллий ан’аналар, миллий тил, миллий урф-одатлар, миллий тарих, миллий адабиёт, миллий театр, миллий ўзликни англаш, миллий қадриятларнинг босқинчилар,

мустамлакачилар томонидан миллий давлатчилиги негизларини йўқ қилиш, таназулга учратилган даврдаги бой берилган имкониятлар йўқотишларни тараққиётнинг ма'лум бир босқичида мустақилликни қўлга киритган халқнинг миллий ривожланишни ангидан бошланган фаолиятидир.

Президентимиз асарларида мустамлакачилар томонидан миллий тараққиётнинг синирилиши, таназулга учратилиши, унинг асл сабаблари ва ундан мустамлакачилар кутган мақсадлари, шунингдек бу оғир муаммони ечиш ва оқибатларини бартараф этиш давомида миллат олдидаги вазифалар ҳар томонлама онолик баён этилган. Узилган тарихий илдиш ва заминларни бугунги ма'навий ҳаётимиз юксалиш манфаатлари эҳтиёжлари билан боғлаб миллий тикланиш тушунчасини умуммиллий дунёқараш мавқеига кўтариш юртбошимиз илгари сурган ғоялардан бири ҳисобланади. Ушбу йўллар нафақат давлат бошлиғи асарларидан, балки нуфузли оммавий ахборот воситаларидаги (Туркистон, Пресс, Фидокор газетаси мухбирлари саволларига жавоб ва бошқалар) чиқишларида янада теранроқ, халқимизнинг барча ижтимоий қатламлари тушунадиган содда, равош, шунингдек мазмунли тарзда лўнда очиб берилган.

Президентимизнинг қуйидаги асарларида миллий ма'навий тикланиш мақсади, вазифалари ва уни амалга оширишнинг концептуал йўналишлари ўз ифодасини топгандир. (“Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари”, Амир Темур фаҳримиз, ғуруримиз”, Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, “Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиёти пойдевори”, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин”, “Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз”, “Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда”, Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз”, “Миллий мафқура-келажак пойдевори”.)

Президентимизнинг ушбу асарларидаги ғоялар ва ма'навий-ма'рифий соҳадаги стратегик йўналишлар қуйидагича изчилликда ифодалаш жоиздир.

- Мозий сабоқларидан тўғри хулосалар чиқариш орқали халқ, миллат, миллий давлатчилигимиз тарихини ҳаққоний яратиш, ундан миллий тараққиёт ва миллий тикланиш манфаатлари йўлида фойдаланиш.

- Ма'навий-миллий мерос миллий кадриятларни чуқур ўрганиш ва ўзлаштириш орқали миллий ўзликни англашга эришиш, миллий ғурур, ватанпарварлик, миллий ғоя, миллий истиқлол мафқурасини халқимиз онгига сингдириш.
- Та'лим тизимини Жаҳон (стандартлари) мезонлари даражасига кўтариш, кадрлар тайёрлаш давлат дастурига мувофиқ комил инсонни тарбиялаш, соғлом авлод дастурини ҳаётга тадбиқ қилиш асосида ҳам ма'навий, ҳам жисмонан бақувват, халқ, Ватан манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўя оладиган Ватаннинг содиқ ва мард фарзандларини вояга етириш.
- Аждодларимиз томонидан яратилган Жаҳон сивилизатсиясига асос ва таянч бўлган салоҳиятни, ма'навий сарчашмаларни қайтадан тиклаш билан чекланиб қолмай, Жаҳон фани, маданияти, техника, технологиялар соҳасидаги ютуқларни эгаллаш орқали шарқ уйғониши давридаги доруғимизни қайта тиклаб олишга эришиш.
- Ёш авло ма'навиятини мустақиллик ғоялари асосидаги дунёқараш билан изчил тарбиялаш; улар онгида ёт ғоялар шаклланишига қарши ижтимоий соғлом муҳит ҳосил қилиш ва истиқлол ғоасига салбий та'сир этувчи мафқураларга, бўшлиқлар пайдо бўлишига мустаҳкам миллий-ма'навий тўсиқлар барпо этиш.
- Инсоният тарихи давомида яратилган ма'навий, моддий, илмий, маданий бойликлар умумбашарий, миллий-ма'навий салоҳиятимиз юксалишининг асосий манбаи сифатида қарашдан иборат йўналишлардир.

Президентимиз Миллий тикланишнинг асосий йўналишларини кўрсатар экан, Ғарбга сажда қилиш фикридан йироқ турди. Аксинча ғарбнинг ишлаб чиқариш техника ва технологиялари соҳаларининг илгарилаб кетишида бизнинг аждодларимизнинг, буюқларимизнинг илмий, тарихий ҳиссалари катта бўлганлигини, бунинг учун ғарб ма'лум даражада шарқдан, бизнинг алломаларимиз илмий даҳо тафаккури олдида қарздор эканлигини қайд этиш билан миллатимиз ғурурини ҳимоя қилар экан, ўзбек халқи бошини баланд кўтариб юришга ҳақ-ҳуқуқлигини мозий ҳақиқати билан исботлаб беради.

Уни биз Президентимизнинг тарих-миллий тарихимиз, шунингдек унинг Мустақил давлатимизнинг ма'навий, сиёсий асосларини, халқимизнинг ватанпарварлик ва озодлик туйғуларини мустаҳкамлашдаги беқиёс жанговар восита эканлигини илгари сурган

йирик тарихшунос сифатидаги фикрларидан ҳам билишимиз мумкин. “Ҳозирги Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, я’ни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон сивилизатсия бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу-фузалолар, олиму-уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган....

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари диний, ахлоқий, илмий қарашларни ўзида мужассам этган бу нодир қўлёмаларни жиддий ўрганиш даври келди; деб қайд этган эди юртбошимиз”¹

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: “Шарқ”, 1998 йил, 3-4 бетлар.

2. Ислом Каримовнинг ма’навият тушунчасига тарифи ва концепсиясининг назарий ва методологик аҳамияти.

Ма’навиятнинг инсон, миллат ва жамият ривожланиши ҳамда тараққиётида мақеи, аҳамиятини тушуниш учун, дастлаб унинг мазмун ва моҳиятини англаш муҳим аҳамиятга эга. Коммунистик мафкура иложи борича ма’навият масалаларини четлаб ўтишга интилди. Фақат маданият, маданиятшунослик соҳаларининг айрим тадқиқот ишларида тор доирадагина ма’навият тилга олинган эди холос. Шўро давлати шовинизм ғоялари тантанасини та’минлаш учун ма’навият, айниқса миллий ма’навият сўзини ижтимоий исте’молга киритишдан ғоят ҳадиксирар эди. Агар миллий ма’навият сўзи оммабоп, илмий, мафкуравий адабиётлар мазмунига сингиб кетса Шўро тузуми таркибида зўрлаб ҳамда алдов йўли билан ушлаб турилган иллатларда ўзликни англаш ҳаракати кучайиб кетиши, бу эса империянинг таназзулини ўтган асрнинг 90-йилларида эмас, балки анча эртароқ та’минлаган бўлур эдики, бундан хавфсираган Шўро тузуми мафкурачилари ма’навият сўзини музлатилган ҳолатини ма’қул кўрганлиги бежиз эмасди.

Акс ҳолда уни Насриддин Афандининг ўзи ўтирган шохни болта билан чопишига қиёс қилиш мумкин бўлардики, шунга кўра улар бу ролни ўйнашдан ўзларини тийишга мажбур эдилар. Ундан кўра янги сўз яшашнинг маккор услублари уларнинг миллий масалаларга байналмилалликнинг сохтакорлик тўнини бичиш ва безаш натижасида ягона совет халқи, совет адабиёти ва унинг шаклан миллий, мазмунан сотсиалистик моҳияти, байналмилал сотсиалистик оила, сотсиалистик

ахлоқ кодекси каби шовинизм ғоясини мустаҳкамлайдиган фирромликларни “кашф этиш” Шўро мафкурачилари учун сеимли машғулотлари бўлиб қолган эди. Бу миллатларни ма’навий қакшатқич, манқуртлик майдонига етаклаш йўли эди. Ана шу алдов тиканли, хавф-хатарга тўлган йўлдан халқимиз чоризмнинг қахрли генераллари томонидан ярим аср ва КПССнинг сиёсий ташвиқот кучлари томонидан эса 70 йилдан ортиқ адаштирилган, ўзлиги унуттирилган, қарахт ҳолда олиб ўтилди. Халқимизнинг коммунистик васваса билан захарланган онгини миллий туйғу, миллий онг ва миллий ғурурини миллий-ма’навият сарчашмасининг соғломлик муҳити билан жазолаш имкони мустақиллик туфали уждуга келди, миллий тафаккур тиниқлигига эришиш мумкин бўлди. Халқимиз Мустақиллик шабадаси та’сирида тафаккур қарахтлиги уйқусидан уйғониш палласига кирди. Бу аждодларимизнинг шарқ уйғонишини бошлаб берган жаҳоншумул аҳамиятли ҳодисанинг XX аср 90-йилларида рўй берган кўринишига қиёс қилиш мумкин. Бироқ сиёсий аҳамияти, миллий тикланиш сари кенг йўлга чиқаётганлигимиз хусусиятларининг кўлами, ҳодисанинг буюклиги жиҳатдан ундан ҳамулуғроқдир. Ана шу улуғ ўзгаришларнинг бош йўлида йўлбошчи ва етакчи бўлиб, миллий тикланиш ва ма’навий юксалиш концепсиясининг бош йўли консетуал ғояларни яратиш, назарий илмий асосларини ишлаб чиқишдек ма’сулиятни тарих ва давр Президентимиз зиммасига юкланди. Бу ижтимоий юк миллат тақдирига, келажагига дағҳлдор эди.

Янги жамятнинг иқтисодий асослари яратилсаю, бироқ унинг ма’навий жабҳаларини ривожлантиришнинг аниқ ва изчил, назарий асосланган Дастур ишлаб чиқилмас экан, бундай жамятни лангарсиз, таваккал ҳолатда дорга интилувчи дорбозга қиёс қилиш мумкин. Иқтисодий ва жамятнинг ма’навий ҳаёти мувозанат қонуни асосида яшайди. Мисоли қушнинг икки қаноти кабидир.

Донишликнинг теран кенглиги тепалигидан назар солган юртбоши Миллий тикланишнинг стратегик вазифаларини белгилаб берган “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва таракқиёт йўли” асарида ма’навият ва унинг инсон учун нақадар зарурий эҳтиёж эканлигини қуйидагича та’рифлаган эди: “Ма’навият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Сахродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек, инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчилик билан ма’навият чашмасини

излайди”**2.** Дарҳақиқат бу патда миллатимиз 70 йиллик миллий кадрият ва миллий ма’навиятимизнинг чашма ва булоқларидан ажратиб ташланиб, ҳижрон ва соғинч ажобларидан қийналиб мустақилликка эндигина етиб келинган, халқимиз дониш тили билан айтганда, миллат оғзи-ошга етишган дамлар эди. Президентимиз зукколик билан юқоридаги та’риф ва ўхшатишни бежиз келтирмаган эди. Мустақиллик бу асрий орзу-умидларнинг ушалишини та’минлади. Юртбоши юқоридаги та’риф ва тавсифнинг ма’навият қирраларини янада теранроқ очиб,

2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, дсиёсат, мафкура. Т.: “Ўзбекистон”,1993, 78-бет,

миллий тикланишда ма’навиятнинг ролига қуйидагича баҳо беришда давом этиб шундай фикрларни илгари суради: “Моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар-ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг та’минотини ҳам амаллаб туриш мумкин, аммо, ма’навий ислоҳотлар – қуллик, муте’лик исканжасидан озод бўлиш, қаддини баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга ворис бўлиш-бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ, бу дунёда”**3.**

Президентимиз бунда совет тузуми қолдирган оғир мерос бу қарамлик, қуллик психологияси эканлиги уни халқимиз онгидан чиқариш жуда қийин кечишини, бу эса ислоҳотларни амалга ошириш янги жамият асосларини куришда қанча машаққатлар, тўсиқларга сабаб бўлишини назарда тутмоқда. Ҳақиқатан ҳам инсон онгига узок давр сингдирилган нарсадан қутулиш ҳам қийин кечиши бу аксиома бўлиб, инсон бунинг ичин иккиланишнинг аросат ҳудудини тарк этиб, янгилик соҳилига ўтиб олмоқ учун иродавий хусусиятларни ишга солиш, теварак-атрофга зийраклик ва огоҳлик билан боқиш, ўзига танқидий қараш каби хусусиятларни ўзлаштириши зарурдир. Акс ҳолда бу бошланган буюк ислоҳотлар моҳиятини англаб олиш қийин кечарди.

3. Каримов И.А. Ўша асарнинг 202-бетига қаралсин.

Озодлик, эркинликнинг мазмун ва моҳиятини чинакамига тушуниб етмоқ учун инсон кучли ма’навият эгаси бўлиши лозим. Шундагина бундай инсон ўзининг ҳам, Ватани, миллатининг қадрига ета олади. Ватанининг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётига ҳисса қўшишдек ма’сулиятни ҳис қилади. Аксинча эса бундай инсон

мутелик ботқоғида узоқ вақт қолиб кетади, фаолиятсизлик ҳудудини тарк этолмайди., Қуллик жирканч тушунча эканлигини фаҳмламайди. Президентимиз ма'навият тушунчаси кенг қамровли ижтимоий ҳаёт ва руҳий жабҳаларни ўзида ифода қиладиган ҳодиса сифатида қарар экан, уни миллий замин билан ҳамнафас тарзда яшовчан куч кўринишида талқин қилади. Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, кўни-кўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик-ма'навиятнинг ма'носи ана шундай кенг,⁴ деб ранг-баранг ҳолатда тасвирлайди. Турлий ҳаётгий, ижтимоий жилоларнинг мужассам бўлишига менгзайди.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: “Ўзбекистон”, 1993 й, 78-бет.

Шахс ма'навияти аввало унинг қалбида, руҳиятида куртак отади. Ма'навияти суёт шахс, салбий қусурларга мойил, берилувчан, жиноят соҳилларига яқин масофаларда ҳаракатланувчан бўлади. Ёхуд Ватан, халқ, эл-улус манфаатлари учун ўзини сафарбар инсон деб билмайди. Худбинлик, одамовиликка тойиш истаги кучли кечади. Ҳалол яшашдан кўра енгил-елпи ҳаёт кечиришга томон оғиш ҳиссиёти устун кечади. Демак, ма'навият осонгина тарзда шаклланадиган нарса эмас, инсон ўз ахлоқи, ийманий қуватларини доимий мустаҳкамлаб бориши, руҳий оламини тинимсиз бойитиши, салоҳиятини тафаккурини чарлаб бориши оқибатида тўпланадиган ҳосила-инсон зийнати ҳамда сийратидир. Шунга кўра Президентимиз: “Ма'навият-тақдирнинг эҳсони эмас, Ма'навият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак”⁵ деярд экан унинг ана шундай жиҳатларини назарда тутган эди.

5. Ўша китонбинг 79-бетларига қаралсин.

Ма'навиятли инсон меҳнат туфайли ўзини ҳам, оиласини ҳам, моддий ҳаётини яхшилаёт боради. Бу билан у жамиятнинг, ўз Ватанининг ҳам миллий тикланишига ўз ҳиссасини қўшади. Президентимиз турли асарлари ва ма'навият ва унинг қирраларига баҳо берар экан шу билан унга берилган та'риф интиҳо топди. Деган фикрда тўхтаб қолмади. Жамият тараққиётидаги қатор ижобий ютуқлар ўзгаришларни синчковлик билан кузатиб ма'навият соҳасидаги етилган муаммоларни ҳам назардан қочирмади. Соҳанинг назарий асосларини янада бойитадиган фикрларни дадил илгари сурди. Уни Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги “ Ўзбекистон XXI асрга интиломқда” ма'рузасидаги ма'навиятга берилган юртбошимиз

тарифида яққол кўриш мумкин.” Ма’навият.... инсонни руҳий покланиш ва юксалишга да’ват этадиган, инсон ички оламини бойтадиган, унинг иймон-иродасини, э’тиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний куч...6. дир. Ушбу та’рифда ма’навиятнинг инсон руҳий ва ботиний жиҳатларидаги бўшлиқларни тўлдирувчилик ўрни аҳамияти очиб берилган. Шахс камолатидаги ма’навиятнинг кучи, та’сирини кўрсатиш билан,

6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: “Ўзбекистон” 1999 й, 17- бет.

билан унинг мазмун ва моҳиятини ҳам ифодалаб бера олганлигини кўриш мумкин. Агар юқоридаги сўзлар билан ма’навиятнинг инсон ва шахс ҳаётидаги ролини та’кидлаб кўрсатган бўлса, бу фикрларни янада ривожлантириб, энди ма’навиятнинг жамият тараққиётидаги ўрнини қуйидагича баҳолайди: “Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг самарадорлиги, аввало халқ ма’навиятининг тикланиши, тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, ан’аналаримизнинг сақланиши, аданият ва сан’ат, фан ва та’лим ривожини билан узвий боғлиқдир”7. Ма’навият ҳаёти қашшоқ жамият ма’навий қашшоқ инсонларни етиштириб, ўзига таназзул шарт-шароитларини яратади. СССРдаги сотсиализм қурилиши миллатларни ана шу қашшоқлик гирдобига ташлаб, ўзига ўзи чоқ қазиган эдики, миллатларнинг ўзлигини англаш, миллат кадриятларини тиклашдаги кураши коммунистик тузумнинг емирилишида зиддиятлар тугуни бўлиб хизмат қилди.

7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда Т.: “Ўзбекистон” 1999 й.

Юртбошимизнинг манавият хусусидаги билдирган фикрларида мамлакат тараққиётини та’минлаш учун аввало миллий ма’навиятга дахлдор Шўро тузуми тақиқ белгиси қўйган миллий онгнинг шаклланишини та’минлайдиган жабҳаларимизни тиклаш муҳим вазифалиги та’кидланган эди. Олий минбардан айтилган юртбошимизнинг ушбу сўзлари амалга ошириладиган улкан ислоҳотларнинг улкан негизи, ўзаги ма’навий ҳаётдаги туб ўзгаришлар билан чамбарчас боғланиб кетажаклигига қаратилган эдики, ана шундан э’тиборан ма’навиятни юксалтириш Давлат фаолиятининг муҳим жабҳасига айланди. Ма’навий ҳаётининг юксалишини та’минлайдиган қонунлар, фармонлар ва ҳукумат

қарорлари қабул қилиндики, улар ушбу соҳанинг ривожини таъминлаш, ҳаётга тадбиқ этишда катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлди.

Президент И.А.Каримов маънавиятнинг таърифи ва уни ислоҳ қилиш йўллари кўрсатиш билан чекланмай, ушбу соҳани ривожлантиришнинг стратегияси мақсад ва вазифаларини ҳам аниқ белгилаб берди. Уни “Фидокор газетаси муҳбири билан маънавият муаммолари ва унинг ёшлар ҳаётида тутадиган ўрни, аҳамияти тўғрисидаги мулоқот чоғида илгари сурган фикрларидан аниқ-тиник тарзда таъкидлаган эди: “авваламбор ёшларимизнинг иймон-еътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар қилибтарбиялаш, уларни тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас кадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатларини қарор топтириш, уларнинг мен ўзбек фарзандиман деб ғурур ва ифтихор билан яшашга эришишидир”¹.

Шуни таъкидлаш лозимки, Президентимиз ишлаб чиққан Миллий-Маънавиятни тиклаш ва янгилашиш концепсияси нафақат назарий, балки амалий аҳамият касб этмоқдаки, унинг ижобий таъсири ҳаётимиз мазмунига чуқур сингиб бормоқда. Унинг назарий ва методологик аҳамияти ана шуларда намоён бўлмоқда. Булар бизга

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.

2000 й. 12-13-бетлар.

қуйидаги қайдлар ва якуний хулосаларни чқаришимизга имкон берди

- Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган концепсия коммунистик мафқуранинг миллий-маънавиятимизни таназулга учратишнинг сиёсий мақсадларини тушуниб олишга, ўзликни англашга имконият яратган;

- Чоризм ва унинг сиёсати давомчиси Шўро мустабид тузуми олиб борган мустамлакачиликнинг шафқатсиз миллий сиёсати миллий-маънавиятимизга катта зарба берганлигига қараасдан унинг тарихий илдизлари бақувватлиги боис унинг асл негизи омон қолганлиги, мустақиллик даврида уни янгидан куртак отдириб ана шу омилни янгилашиш жамияти мазмунига сингдириш шароити вужудга келганлиги, бу эса ватанпарварлик, миллат ғурури ва ифтихор туйғуларимизнинг куч олишига асосий манба бўлганлиги.

- Озод, эркин, мустақил яшаш миллатнинг ҳеч ким даҳл қила олмайдиган муқаддас ҳуқуқи эканлиги, ҳар бир миллат кейинги

авлодларга уни авайлаб-асраб топширишга ҳам ма'сул, ҳам бурчли эканлигини тушуниб етишга,

- Миллий ма'навий тикланиш мазмунини англаш орқали шахс, жамият, давлат, миллий тараққиёт ма'лум бир тарихий даврнинг ижтимоий ҳаёт ривожланиш маҳсули сифатида ижтимоий компонентлар мужассаами бўлиб, уарнинг равнақи гуллаб яшнашида мустақиллик омили муҳим ўринни эгаллаши.

- Миллий-ма'навий тикланиш жараёнида ёшларимиз аجدодлари, ота-боболарининг жасорат, мардлик, баҳодирлик дўстларга садоқат, инсонпарварлик, Ватанга муҳаббат ан'аналарига муносиб ворислик туйғуларининг кучайиши;

- Мустақиллик даврида вужудга келган миллий ғоя ва миллий-ма'навий тикланиш стратегиясининг мақсади ва вазифаларини чуқур тушуниб ўзини шу йўлда сафарбар деб биладиган фаол ма'навиятли инсонлар, миллат фидоийлари, шунингдек юқорида қайди этилган ма'навий омиллар воситасида тарбияланган миллат Президентимиз илгари сурган ислохотларнинг, буюк ўзгаришларнинг чинакам ижкорлари бўладилар. Ма'навиятнинг куч-қудратига таянган миллат, албатта бу қийинчиликларни енгиб илғор давлатлар сафидан ўрин олади. Тарихий жараён Ўзбекистонимизни шу манзилга ишонч билан элтмоқда.

3. Ислон Каримовнинг Миллий-ма'навият ва миллий тикланишни юксалтиришдаги тарихий хизматлари.

Ўзбек халқи салкам бир ярим аср мустамлакачилик зулми остида азоб тортди. Бунинг икки асосий сабаби бор. Мустамлакачилар ҳам она Туркистонга, Ватанимизга тасодифий тарзда бостириб келмаган, асло. Биринчи сабаб бу хонликлар босқинчи давлатларнинг кўз ўнгида ички низолар туфайли тобора заифлашиб боради. Бунинг билан кузатиб бораётган рус чоризми мустамлакачилари айнан улар ўртасида низо, нифоқ уруғларини сочиб, бу сиёсатни мосхорий амалга ошириб борарди.

Хонликлардаги сиёсий арбоблар ташқи сиёсат масалалари, давлат хавфсизлигини та'минлаш, Жаҳон сиёсатининг Туркистон сари бурилаотганлигига, шу билан эртами-ёҳуд индин бу сиёсат босқинчилик урушуга ўз ўрнини бўшатиб беришини сиёсий зийраклик, мантиқ кучи билан англашдек ма'сулиятдан узоқлашган эдилар. Туркистонга офат булути бўлиб ёғилган босқин учун Ватанни, давлатни катта жангларга таёрлай олмаган бу ҳукмдорлар бу сиёсий хатолари, қондош ва диндош ва миллатдош бўлиб ўзаро тил топиша

олмаганликлари учун тарих олдида учала хонлик ҳукмдорлари жавобгардирлар. Уларнинг ана шу хатолари миллат бир ярим аср ғурури топталиб, миллий қадриятлари оёқ ости қилиниб, миллатнинг марду-майдон баҳодирлари ўриб ташланди, миллат ғами учун ғам чеккан ма'рифат эгалари қатл қилинди ва ўзга юртларга умрбод сургун бўлди. Биринчи сабаб шу тариқа иккинчи сабабга йўл очиб борар экан, босқинчилар Туркистоннинг хўжайини бўлди, бошқарувнинг тўлақонли зўрлик ва қон истовчи усули жорий этилди. Мустамлакачилик тизимнинг хусусияти ва шиори адолатсизлик ва бўйсинувчи халқларни хору-зорлик ботқоғига улоқтириш эди. Афтода, нотавон ҳолга туширилган халқнинг аҳволини тасаввур қилмоқчи бўлган инсон мозийга босқин, буюкларидан ажралган, тарихий илдизлари қирқилган, миллий ма'навияти қакраган, мисоли куриб бораётган дарахт тусига кираётган оломонсифат дийда халқ хотирасига дуоий такбир айта олмаган кўли қуллик кишанига бўғланган, тафаккури занглатилиб, мавҳум йўналишларга ҳайдалиб манқуртлик муҳри босилишга маҳкум этилган боболаримиз ана шундай азобларга гирифтор этилган.

Ғаддор тузум ғирромликлари туфайли номлари тақик рўйхатига тушган улуғларимиз: Имо Бухорий, Хожа Аҳмад Яссавий, ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Абу Мансур Мотурудий, ал-Марғиноний, Ғаззолий, Рабғузий Баҳоуддин Нақшбан, Саид Пир Барака ва яна анча азизу-авлиёлар. Уларнинг илмий тафаккури ҳосиласи бўлган ма'навий хазиналари ҳақиқий меросхўрларидан бебаҳра қилинди. Алпомиш, Жалолоддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Бобур ва Ялангтўшбий Баҳодирларнинг Ватан, эл-улус учун тортган баҳодирлик на'ралари мустабид Шўро тузуми сиёсатдонларига аҳамиятсиз эдигина эмас, балки коммунистик мақуранинг заифланувини кучайтирувчи, жанговар восита, авлодларни эрк ва озодлик учун курашга чорловчи ҳайқирик, миллатни уйғотувчи тарих қа'ридан кучайиб келаётган акс садо эди. Халқимизнинг ма'навий-ахлоқий ифтихори, буюк тарбия воситаси Қурони Карим ва Ҳадиси Шарифлар билан халқимиз ўртасида чақир тиканак каби тиканли майдон ҳосил қилинди ва бу майдон коммунистик мақуранинг худосизликка асосланган девори билан тўсилди. Худосизлик руҳида тарбияланган қалбнинг инсонийлик ҳарорати йўқолиб, ёввойлик ҳислари шаклланди, ботинийлик ўла боради. Совет давлати Исломиё иймон-е'тиқод булоғи, ахлоқи барқ урган не-не улуғ исломий алломаларни етиштирган Ватанимиз

худудини мафкуравий эксперимент, я'ни тажриба майдонига айлантириб, ушбу Она заминни коммунистик тузумнинг худосизлик мухити ҳукмрон бўлган чангалзор майдонининг дурагайлаштирилган жонзотлар маконини вужудга келтирмоқчи бўлди. Бу муҳишликни сезиб қолган миллатимиз гуллари Абдулла Қодирий, Бехбудий, Мунаввар қори, Чўлпон, Усмон Носир, Фитрат каби фидоий ватанпарвар улуғ зотларимиз диндор, миллатчи тамгалари босилиб қатлга жонатилди. Бундай адолатсиз, қонунсизлик, зўравонликларнинг чеки бўлмаган, аксинча эса унинг ижодкори бўлган Шўро тузими миллатни ҳам, унинг миллий-ма'навий ҳаётини ҳам шафқатсиз давлат террорига мубтало қилди. У инсоният ва миллатимиз олдида шундай гуноҳи азим қора ишларни амалга оширди. Уларнинг бу қабоҳатиларидан дуно ларзага, яратгувчи эса ғазабга келди. Мустамлакачи тузумни тарих ва замон рад қилди. Унинг харобалари ўрнида миллий озодлик ва миллий тикланиш байроғи кўтарилди. Унинг яловбародри, халқимизнинг ватанпарвар ва жасур ўғлони Ислом Каримов бўлди.

Юртбошимиз зиммасига оғир ва ҳаддан ташқари мураккаб вазифалар тушди. Иқтисодий ва сиёсий таназзул ботқоғига узоқ мустамлакачилик сиёсати туфайли тамоман ботирилга, миллий ма'навий ҳаёти емирилган халқни ва майиб-мажруҳ ҳолатга келтирилган Ватанни озоб ва фаровонлик кенгликларига олиб чиқиш, миллий тикланишга етакчилик қилиш, демократияга асосланган жамият қуриш, уни чуқур ислоҳот ва янгиланиш жараонига тортиш каби улуғвор ишларга етакчилик, йўлбошчилик қилиш яратувчининг назари тушган давлат арбобигагина насиб этади. Президентимиз шундай сиёсий арбоб сирасига мансуб бўлди. Тарихнинг ма'сулиятли бурилишларида бошловчиликни елкасига олган тарихий шахслар албатта миллат тарихининг зарварақларидан жой олиши табиийдир. Миллатнинг букилган қаддини кўтариш ва унга ўзлигини англашни ма'навий ҳаётида буюк ўзгаришга олиб келишни та'минлайдиган илғор ғояларни ўзида ужассам этган концепсия ва Дастурларни жамият тараққиётига тадбиқ қилишнинг уддасидан чиққан арбоб тарих ва миллат ардоғида бўлишга лойиқдир.

Юртбошимизнинг давлат фаолиятидаги тарихий миссияси Мустақиллик биносининг ма'навий пойдеворини мустаҳкам асосларга қуришдан иборат бўлди. Буюк адибимиз айтганидек “Мозийга қайтиб иш кўришдек савоб” ишдан бошланган ишнинг охири обод ва хайрли бўлишини қалбига туйган юртбошимиз улуғлар ўғитига амал қилиб

бунёдкорликка бош бўлиши фаолиятини тарихимиз ва миллий ма'навий меросларимизни тиклашдан бошлади. Ахир, Навоийдек буюк боокалон, мутафаккир, сўз ва ма'навият султони ҳам туркий дунё ма'навиятининг залворли қал'а девори "Ҳамса"ни яратишдан олдин мозий илмига шўнғиб, унинг чексиз уммонидан ма'навий жавоҳирлар териб, қуйидаги битикларни авлодларига қолдирган эди:

Агар тарих сари айлагунг майл,
Муни билгачки, не иш қилди ҳар хайл,
Не ишдин мамлакат обод бўлди,
Қаю ишдин мамлакат барбод бўлди.

Президентимиз Навоий бобокалонимизнинг ушбу ўғитларидан хулоса қилиб, миллатимиз ва мустақил мамлакатимизнинг завоқ нелигин билмай, унинг фақат ободликнинг улуғ йўлида бахт саодатга эришувини ният ва мақсад ХХІ аср бўсағасида тарих тўғрисидаги фикарларини эслаш жоиздир. "Биз халқни номи биланемас, балки маданияти, ма'навияти орқали биламиз тарихнинг тағ-томиригача назар ташлаймиз"¹.

Президентимиз бунда жуда катта мазмунга эга бўлган фикрни илгари сурган, ўзбекона бағрикенглик қилиб коса тагида ним коса қабилида иш тутиб, шарқона этика доирасидан чиқмаган. Аслида бизни, миллатимизни турли йўллар билан, я'ни кам сонлиликда, маданиятдан орқада қолганликда, тараққий қилмаганлик каби камситиш, боҳ'тонлар қуюнини ёғдирувчи, ғанимларни "аввал ўзингга боқ, кейин ногора қоқ" қабилида иш тутиб, халқнинг номи ва сони асосий нарсани ҳал қилмайди каттами, кичикми қайси бир халқнинг ўрни Жаҳон сивилизатсийсига қўшган улуши билан белгиланишини та'кидлаб, ғанимларга ма'навий-ма'рифий зарба бера олгани шарқона донишликнинг чинакам белгисидир. Қуйидаги сўзлари билан юртбошимиз миллатимизни, юртимизни тарихимиз орқали ҳимоя қилади ва ғанимларимизни биз халқимиз

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 9-бет.

да енгил-елпи сўзлардан тийишга чақирикдек, миллатимиз ша'нига қалқон бўлувчи, тарих ҳақиқатидек қувватли фикрларни илгари сурди: "Ҳозирги Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, я'ни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон сивилизатсияси бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу-фузалолар, олиму-уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва

дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган...

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари диний ахлоқий, илмий қарашларни ўзида мужассам этган бу нодир қўлёзмаларни жиддий ўрганиш даври келди".² Ушбу сўзлар гул ўз илдизинисоғиниб яшаганидек, ма'навий ташналиқданазоб чеккан халқимизнинг қалбларига дармон бўлди. Миллий тикланишнинг жон томирларига миллий ма'навиятимизнинг чашмалари оқа бошлади. Миллий кадриятларидан жудо

2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: "Шарқ" 1998 й. 3-4 бетлар.

Қилинган халқ унингешиклари ланг очилган озодлик, мустақиллик соҳилига етиб келди. Ўзликни англаш мавруди бошланди. Уни уртбоши қуйидаги фикрларда тарифлаган эди: "Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш, ҳаётдан жудо бўлиш демакдир³.

Тарихи билан уйғотилган халқни асоратга солиб бўлмайди. Тарих миллий ма'навиятимиз асосидир. У буюк тарбиявоситаси, тарбия мактаби, унинг сабоқлари миллат ма'навиятини юксалтиради, тоблайтиди, миллатдаги ижтимоий қусурлардан халос қилади.

Мустақилликнинг бемисл қадрини, қимматини миллатга англатувчи қуролдир.

Президентимиз халқимизниўз тарихимиз билан уйғониш ва ўзлигини англашига да'ват этди, уни фармонлар билан мустаҳкамлади. Дастлаб, 1994 йилда Ма'наият ва ма'рифат жамоатчилик марказининг тузилиши ва унда юртбошининг ташаббускорлиги катта воқеа бўлди. Мустақиллик ғоялари тарих ва тарихий-миллат қаҳрамон

3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: "Шарқ", 1998 й. 5-10-бетлар.

Ларимиз ма'навиятидан сурур ва куч, рухий қувват ола бошлади. Ма'навий-ма'рифий ўчоқлар тарихий майдонлар кўчаларга қўйилган адолатсиз номлар олиниб улуғларимиз, алломалар буюк тарихий шахсларимиз номлари берила бошланди. Шовинизмни тарғиб қилувчи тадбирлар, байрамлар, ёт мафкуралар илдизи кесилиб, Миллий тикланишга, Миллий ма'навиятга хизмат қилувчи тарихий хотираларга кўк чироқ ёқилди.

Мозийдан келган нур билан безанган Мустақиллик саҳифаларидан Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги, Нажмидин Кубронинг 850 йиллиги, Имом Бухорий бобокалонимизнинг 1225 йиллиги, Аҳмад

Фарғонийнинг 1200 йиллиги, Амир Темурнинг 660 йиллиги, Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги, Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллиги, Алпомишнинг минг иллиги, Огаҳийнинг 190 йиллиги ва шоҳ ва олим, шоир ва давлат арбоби Ферузнинг таваллуди каби тарихий тадбирлар жой олди.

Қатағонлик қурбонларига шаҳидлар хиёбони барпо этилди. Бу ўзликни англашнинг тарих билан уйғонган миллат таржимаи холининг мустақиллик кўзгусида намоён бўлишининг бир қиррасидир.

Узоқ ва бой тарихимиз ҳамда маданиятимиз, шунингдек ма'навиятимизнинг илдизи қадим мозий қа'рига бориб тақалишидан гувоҳлик берувчи Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллик т'йининг ўтказилиши жаҳон шаҳарсозлик маданият тарихининг ибтидоси сифатида ҳам э'тироф этилган эди. 2002 йил Термиз кейинроқ эса Шаҳрисабз шаҳарларининг XXX асрга уланиб кетган тўлари жаҳон миқёсларида нишонланиши ма'навиятимиз томирлари нақадар бақувватлигининг далиллари дир. “Авесто”нинг 3 минг йилликка яқинлашган ёши сивилизатсия уфқларимиз мозинг тонгида бўй кўрсатганлиги исботидир.

Халқимизнинг тили мустамлакачилик даврида оилада қисиниб-қимтиниб гаплашадиган тил даражасига туширилганлигини эдлаш нақадар оғир. Халқимиз мустақилликка эга бўлиш билан унинг тили Олий минбар тилига айланди ва давлат ҳаотига қайтди, бу улуғ ходисадир. Тилнинг мавжудлиги миллатнинг тириклиги, миллат тилининг ўз юртида давлат тилига айланиши бу миллатнинг озод ва обод, эркин, мустақил яшашга ҳақ-ҳуқуқлигининг рамзи, нишонасидир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат мафкура. Т.: “Ўзбекистон” 1993 й.

2. 1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: “Шарқ”, 1998 й

3. 1. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. Т.: “Ўзбекситон” 1998 й.

4 Баркамол Авлод орзуси “Шарқ” 1999 й.

5. 1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкуриси – халқ э’тиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: “Ўзбекистон” 2000 й.

6. 1. Каримов И.А. Озбекистон ХХІ асрга интилмоқда. Т.: “Ўзбекистон” 1999 й.

2- МАВЗУ: ҚАДИМГИ ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МА’НАВИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Режа

- 1. Қадимги ва илк ўрта асрлар даврида
ма’навиятнинг шаклланиш жараёнлари.**
- 2. “Авесто” Ма’навият сарчашмаси.**
- 3. Ислом ма’навияти.**
- 4. Исломшунос Ватандош алломаларнинг исломий
ма’навият тараққиётдаги ўрни.**

Қадимги халқ ижодиёти ва ёзма ёдгорликларда ма’навият масалалари Ўрта Осиё халқлари миллий манавияти такомил босқичлари бу ўлка халқлари маданий тараққиёт жараёни билан бевосита боғлиқ бўлиб, ушбу сахнда юз берувчи ходиса саналади. Халқимиз маданий тараққиёти ўта мураккаб тарихий ходисалар мажмуини ташкил этиб, ўз ичига бир неча мингйилликларни қамраб олади. Ана шу мураккаб ва кўп минг йиллик ма’навий такомилимиз жараёнидан асосий бўғинларни ажратиб олишимиз лозим. Бусиз миллий ма’навиятимиз ривожланиш босқичлари ҳақида фикр юритиб бўлмайди. Кўпгина тадқиқотчиларнинг бу борадаги фикрини ўрганиб, миллий ма’навиятимизнинг неча мингйиллик тарихини уч йирик даврга бўйб ўрганишни лозим топдик:

1. Исломгача миллий ма’навиятимиз тараққиёти.
2. Ислом минтақа маданияти такомилида миллий ма’навиятимизнинг ўрни мавқеи.
3. Янги давр жаҳон маданияти ва миллий ма’навиятимиз такомил масалалари.

Бу даврлар ўз ичига олган тарихий даврлар муддатига кўра асло тенг эмас. Биринчи давр бир неча мингйилларни қамраб олса, иккинчи давр XI-XII асрларни ўз ичига олади. Учинчи давр эса бизнинг ўлкамиз Туркистон учун деярли 100-150 йилни ташкил этади. Мазкур мавзуда Исломгача миллий ма’навиятимиз такомил, мазмуни ва моҳияти ҳақида сўз юритамиз. Исломгача бўлган миллий ма’навиятимиз ва унинг такомиллашиши ҳақида энг муҳим маналар гуруҳини тўртга бўлиш мумкин: Зардуштиликнинг “Авесто” китоби ва туркий битиклар. Қадимги шумер, Ашшур, Бобил, қадим Миср, Юнон, Ҳинд, Хитой манбалари ва эрон шаҳаншоҳларидан қолган тошбитиклар. Археологик ёдгорликлар – моддий ашёлар ва турли иншоотлар. Халқ оғзаки ва ёзма адабиёт намуналари, урф-одат а маросимлар, ўйинлар, байрамлар.

Бизнинг энг қадимий аجدодларимиз ма'навияти ва ма'рифати ҳақидаги ма'лумотлар асрлардан асрларга ўтиб ҳозиргача сақланиб қолган халқ оғизаки ижоди намуналари: миф, афсоналар ва қадимий ёзувларда сақланиб келаётир. Халқларимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, тафаккур ва дунёқараши, ҳаётга, воқеликка муносабатининг ифодаси бўлган бундай халқ оғизаки ижоди намуналари миллий мафкурамиз озикланадиган манбалардир. Ўрта Осиё халқларининг афссона ва мифлари турли мавзуларда бўлган. Чунончи космогоник мифлар, ҳайвонлар ва қушлар ҳақидаги мифлар, худолар ва афсонавий қаҳрамонлар ҳақидаги мифлар бўлиб, уларда яхшилик, бахт-саодат, қуёш нури ва иссиқлик, ёмонлик, бахтсизлик, зулмат ва даҳшатли совуққа қарши қўйилган.

Шу асосда бахт ўлкаси ва бахтсизлик ўлкаси деган мифлар юзага келган. Яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш мифологик образлар Митра, анаҳита, Каюмарс, Йима (Жамшид), эликбек, ва бошқалар образида мужассалаштирилган. Булар ҳақидаги мифлар зардуштийликнинг “Авесто” китобига ҳам киритилган.

Авестода инсон ва унинг ма'навияти масалалари

Авесто – зардуштийлик динининг муқаддас китоби. Зардушт эрамиздан аввалги 660 йил хоразмда туғилган. Отаси саводли бўлиб, кароматгўй бўлган экан. Зардушт 20 ёшидан бошлаб якка худоликни тарғиб қилган. 28 ёшида шуҳрат қозонади, лекин унинг тарғиботлари маҳаллий ҳукмдорларга ёқмайди. Уни осишга ҳукм этадилар. Зардушт ўзи билан 300 га яқин сафдошларини олиб ҳозирги Афғонистон томонга йўл олади ва ўз ғояларини тарғиб этади. У 77 йил умр кўрган. Зардуштийликнинг пайдо бўлиши эрамиздан олдинги X асрга тўғри келади. Унинг муқаддас китоби “Авесто” ҳам бирдан юзага келган эмас. У бир неча асрлар мобайнида яратилган. Зардушт “Авесто”нинг қадимий нусхаларини ўрганиб, тўплаб бир китоб ҳолига келтирган. У 30 та қоҳин билан 3 йил давомида “Авесто”нинг билимларини йиғиб, бир тизимга солган ва 12 минг хўкиз терисига зарҳал ҳарфлар билан ёздирган.

Авесто қуйидаги беш қисмдан иборат:

1. Бендидод – 2 бобдан иборат бўлиб, унда Ахура Мазда Ердаги барча мавжудоднинг яратувчиси эканлиги баён этилади.
2. Виспарад – 24 бобдан иборат бўлиб, ибодат қўшиқларидан ташкил топган. Зулмат кучларига қарши кучлар куланади.
3. Ясна – 72 бобдан ибора бўлиб, қурбонлик вақтида, маросимда айтиладиган қўшиқлардан ташкил топган.

4. Яшт – 22 кўшиқдан иборат бўлиб, зардуштийлик ма'будалари мадҳи куланган.

5. Хўрда Аесто – Кичик Авесто – қуёш, ой ва бошқа худо ҳамда ма'будлар шарафига айтилган кичик ибодат матнларидан иборат.

Зардуштийлик ва унинг муқаддас китоби “Авесто” ҳақида қисқа ма'лумот бердик. Бу китобнинг кўп қисми Искандар Зулқарнайн ва араблар истилоси даврида йўқолиб кетган. Бизгача етиб келган нусхаси 1374 йилда кўчирилган бўлиб, ҳозирда Копенгагендаги кутубхонада сақланиб келинмоқда. Зардуштнинг ўзи тарихий шахс эканлиги ҳам мунозарали, баҳсли масала. Буз айрим муаллифлар фикрига қўшилиб унга тарихий шахс сифатида ёндашдик.

Зардушт сариқ туя минган, деган ма'нони англатади. “Авесто” та'лимотига кўра олам қарама-қаршиликлар кураши асосига қурилган: жисмоний нарсаларда ёруғлик ва зулмат, тирик табиатда ҳаёт ва ўлим, ма'навий оламда эзгулик ва ёвузлик, ижтимоий ҳаётда адолатли қонунлар билан қонунсизликлар ўртасидаги курашларда ўз ифодасини топади. Ёруғлик, эзгулик кучларига Ахура Мазда бошчилик қилиб, эзгуликни вужудга келтираверади, ёвузлик руҳи бўлган Аҳримон унга қарши курашиб, одамларни ёмон иш ва йўлларга бошлайверади. Имон-е'тиқодли одам албатта эзгулик тарафида туради. Бу курашда ёруғликнинг зулмат, эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабасига ишонч билдирилади.

Енди зардуштийликда ва унинг муқаддас китоби “Авесто”да ма'навият ва ма'рифат масалалари ва уларнинг бизнинг бугунги кун учун аҳамияти ҳақида сўз юритамиз.

Ахура Мазда одамларни бир-бирлари билан муроса қилиб яшашни одат қилиб яшашлари, ғаразгўйлик, ҳасадгўйлик, калондимоғлик, шуҳратпарастлик, қонунсиз ишлардан ўзларини тийиш учун интилишга чақиради. Берган сўзининг устидан чиқиш, унга содиқ қолиш, савдо-сотикда шартномаларга амал қилиш, қарзни вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан холи бўлиш – имонлилик аломатлари экани айтилади. Имонли одам ўғирлик ва талончиликдан, бегоналарнинг мол-дунёсига кўз олайтиришдан, ўз-ўзига хиёнат қилиш, я'ни ўз иймонига хилоф ишлардан сақлай биладиган комил инсондир. Таналарингизга нисбатан қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг, я'ни аввал ма'навий дунёнгиз мусаффо бўлса, моддий турмушингиз ҳам мукамал бўлиб бораверади, дейилади “Авесто”да.

“Авесто”да меҳнат ниҳоятда улуғланади. Меҳнатни яхшилик, ноз-не'матлар манбайи деб билади. Инсон саховатли бўлиши учун аввало

меҳнат қилиши, ўз қўли билан ноз-не’матлар яратиши уқтирилади. “Авесто”да: Дон эккан киши тақводорлик уруғини экади, у Маздага ихлосмандлик э’тиқодини олға суради, имонни озиклантириб туради, дейилади. Бунга амл қилиш ўн минг марта ибодат қилиш билан барабар. Юзлаб қурбонлик қилишга тенг. экин экиш, меҳнат қилиш – Ердаги ёвузликни йўқотишдир деб қаралади. “Ғалла ердан униб чиққанда, дейилади “Авесто”да - девлар ларзага келади, ғалла ўриб олинаётганда девлар нола-фарёд қилади, ғалла янчиб ун қилинаётганда улар маҳв бўлади...” деб меҳнат улуғланади.

“Авесто”да инсон одоб-ахлоқи, ма’навияти қуидаги учликда: Гумата – яхши фикр, Гугта – яхши сўз, Гваршта – яхши ишда ифодаланади. “Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман” деб та’кидлайди Ахура Мазда. Яхши фикр деганда яқин кишиларга меҳрибонлик, муҳтожлик ва хавф-хатар остида қолганда ёрдам беришга шайлик, кишилар бахт васоодати учун фаол курашга доим тайёр туриш, ҳамма билан аҳил ва тотув яшаш тушунилади.

Яхши сўзлар деганда ўз ва’дасига риоя қилиш, сўзининг устидан чиқиш, савдо-сотик ишларида ҳалола бўлишга, қарзини ўз вақтида тўлаш, ўғирлик ва талончилик қилмаслик, бузуқликдан ўзини тийиш тушинилади.

Яхши ишлар деганда, инсоннинг ўз ҳатти-ҳаракатида яхши фикр ва яхши сўзларда илгари сурилган барча ижобий йўл-йўриқларга оғишмай амал қилиш назарда тутилади.

Зардуштийлик ахлоқ-одоби ҳайвонларга нисбатан ҳам бешафқат бўлишни қат’иян ман этади.

Ҳайвонларни калтаклаш ва қийнаш гуноҳ саналади. Кишиларни фойдали ҳайвон ҳақида ғамхўрлик қилишга, уларга ўз вақтида овқат бериб туришга, йиртқич ҳайвонлардан ҳимоя қилишга да’ват этади.

“авесто”да тозалик, покликка алоҳида э’тибор қаратилган. Ҳовуздан ювилмаган, ифлос кўзада сув олган киши беш дарра уриб жазоланган. Инсон яшайдиган хонада ювиниш, покланиш қат’иян қораланган.

“Авесто”да наслнинг поклиги, тозалигига ҳам алоҳида аҳамият берилган, қаттиқ назорат қилинган, қариндош-уруғ, ака-уканинг куда – анда бўлиши қораланган.

Мавзу

ИСЛОМ ДИНИДА МА’НАВИЯТ ВА ШАХС МА’НАВИЙ ҚИЁФАСИНИНГ ТАЛҚИНИ

1. Қур’они Карим ва ҳадиси шарифларда инсон ма’навияти ва ма’рифати масалалари

Ислом дини Арабистон яриморолида VI аср охири ва VII аср бошларида вужудга келган. Оллоҳнинг Ердаги расули сифатида Арабистоннинг йирик маркази Макка шаҳрида дунёга келган Муҳаммад бинни Абдуллоҳ (570-632) бу ҳаракатга раҳнамолик қилади. Исломни қабул қилиб, Расулуллоҳга эргашган унинг издошлари ўзларини «муслим» : (мусулмонлар) нинг худо олдида тенг экани, ризқ-рўзни барчага Яратгувчининг ўзи етказиб бериши ҳамда жамиятдаги адолатсизлик барҳам топиши ҳақ эканини тарғиб этадилар. Даставвал ўз она шаҳрида муваффақият қозона олмаган Муҳаммад 622-йил 16-июлда Маккадан Мадина шаҳрига ҳижрат қилишга мажбур бўлади. Худди шу кундан бошлаб мусулмон Шарқда қабул қилинган ҳижрий йил ҳисоби бошланади.

630 йилга келиб, Макка ҳам мусулмонлар қўлига ўтади ва мусулмон давлати шакланади. Муҳаммад алайҳиссалом вафотидан кейин бу давлатни унинг ўринбосарлари, я'ни ноиблари (халифалар) бошқарадилар. Шу муносабат билан мусулмонлар давлати тарихда “Араб халифалиги” деб ном олган. Дастлаб араб халифалиги катта территорияни эгаллаган эд. Ўрта Осиё ерлари – Мовароуннаҳр (дарё ортидаги ерлар) VIII аср бошларидан VIII аср ўрталаригача араблар томонидан истило қилиниб, улар билан бирга Ислом дини кириб келди. Ана шу дарда бошлаб Марказий Осиёда Ислон минтақа маданияти, ма'навияти ва 'ма'рифати ўзига хос равишда шаклланди ва тараққиёт босқичини бошдан кечирди.

Ислом диний та'лиотининг асослари – Қур'он ва Ҳадис тўпламларида, шунингдек, VIII-XII асрлар давомида вужудга келган илоҳиёт адабиётларида ўз ифодасини топган.

Қур'они Карим илоҳий китоб бўлиб, у фаришта Жаброил алайҳиссалом томонидан Муҳаммад алайҳиссаломга нозил этилган. Бу муқаддас китоб Ер юзи мусулмонларининг дастуруламали, диний аҳкомлар банбаидир. Қур'они Карим саҳифаларини бир китобга жамлаш халифа Абу Бакр даврида бошланиб халифа ҳазрати Усмон даврида якунланган ва тўрт нусхада кўчирилган. Ана шу кўчирилган дастлабки нусхалардан бири Мовароуннаҳр мусулмонлари диний идорасида сақлаб келинган, ҳозирда эса буюк бобокалонимиз номи билан боғлиқ Тошкентаги Темурийлар даври музейида сақланмоқда. Бундай уқаддас китобнинг юртимизда бўлиши Оллоҳнинг бизнинг юртимизга бўлган инояти деб билмоқ лозим. Қур'они Каримда 114 сура, 6236 та оят бор. Мустақиллик шарофати билан турли

маросимларимиз Қур’они Карим қироатларидан бошланмоқда. Бу ўтмишда бир орзу эди, холос.

Илоҳиётда Ислом дини уч элеентдан – имон, Ислом, эҳсондан иборат деб э’тироф этилган. Имон талаблари 7 та ақидани – Оллоҳга, фаришталарга, муқаддас китобларга, пайғамбарларга, охират кунига, тақдирнинг Оллоҳдан эканлигига ва ўлгандан кейин қайта тирилишга ишониш талабларини ўз ичига олади. Ислом талабларига, я’ни дин асослари – аркон ад-дин деб ном олган 5 та амалий маросимчилик талаблари киради. Булар – калима келтириш, намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш ва имконияти топилса ҳаж қилиш талаблари. эҳсон ақиаларга сиқидилдан ишониш ва маросимларни адо этишдир.

Ҳадислар Ислом динида Қур’ондан кейинги муқаддас манба.

Ҳадислар тўплами суннат деб аталади. Ҳадиси шарифларда Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўзлари, қилган ва фаолиятлари ва саҳобалар томонидан амалга оширилган ишларга муносабатлари баён этирилган. Ҳадиси шарифларни йиғиб китоб шаклига келтириш, асосан пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг вафотларидан кейин амалга оширилган.

Бу шарафли иш ҳижратнинг III асрига келиб кенг қулоч ёзди ва у ҳадисшуносликнинг олтин даври деб аталади. Ислом оламининг ўша даврдаги маданий марказларидан саналган Бағдод, Куфа, Басра, Дамашқ, Бухоро, Самарқанд, Урганч, Термиз каби шаҳарларда ҳадис илми билан шуғулланувчи муҳаддислар кўп бўлган. Улар ичида энг ишончли манба саналганлари 6 та бўлиб, буларни имом Бухорий, имом Муслим, имом Абу Давуд, имом Ат-Термизий, имом Ан-Насоий, ва имом ибн Можжа тузишган. Бу буюк муҳаддисларнинг тўрт нафари туронзаминлик бўлгани бизнинг фаҳримиздир. 1998 йилда Имом Ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги бутун мусулмон дунёси, шу жумладан юртимизда кенг нишонланди. Мустақил Ўзбекистонда шу муносабат билан халқаро анжуман ўтказилди. Муҳаддислик шу қадар шарафли ва сермашаққат иш бўлганки у муҳаддисдан ақл-заковатни, куч-қувват, фидоийлик, юксак иқтидор ва хофизани талаб қилади. Масалан, имом Бухорий жами 600 минг ҳадис тўплаб, шулардан 100 минг “Саҳиҳ” ва 200 минг “Ғайри саҳиҳ” ҳадисларини ёд билганликлари айтилади.

Исломда ахлоқий-ҳуқуқий қонун-қоидалар мажмуи шариат XI-XII асрларда тугал шаклланган. Шариат қонун-қоидалари Қур’он ва суннат асосида ишлаб чиқилган. Унда мусулмонларнинг ижтимоий-иқтисодий, диний, ҳуқуқий ва ахлоқий ҳаётини тартибга солувчи

қонун-қоидалар белгилаб берилган. Бундай тартиб-қоидалар “Ҳидоят”, “Виқоа”, “Мухтасари ҳидоя”. Мухтасари виқоа” ноли китобларда жамланган.

Шариатда қонунлар муқаддас ҳисобланиб, унга ҳар бир мўмин-мусулмон ижтимоий ҳолатидан қа’тий назар Оллоҳнинг бандаси сифатида бирдай амал қилиши талаб этилган.

Юқорида Ислом, унинг муқаддас илоҳий китоби Қур’они Карим, ҳадислар ва шариат ҳақида ба’зи ма’лумотларни келирдик. энди умуман Ислом динида, хусусан, Қур’они Карим, ҳадислар ва шариатда инсон ма’навияти, аҳоқ-одоб, ма’рифати ҳақидаги қарашларнинг ба’зи жиҳатлари тўғрисида фикр юритамиз.

Қур’они Карим, ҳадислар ва шариат кўрсатмалари инсон а’навий-ма’рифий камолотининг асоси бўлган ахлоқ-одоб тарбиясининг барча қирраларини ўз ичига олган. Сирасини айтганда, ҳадислар ма’навий-ахлоқий тарбияга оид бўлган фикрларнинг мукамал тўпламидир. Қур’они Карим, ҳадисларни, шариат кўрсатмаларини ўрганар эканмиз, уларда ахлоқий камолот, ҳалоллик ва поклик, имон ва виждон билан боғлиқ бўлган бирорта ҳам муҳим масала э’тибордан четда қолмаганини кўрамыз. Айниқса, Ислом ҳалол ва ҳаром масаасига мусулмонлар э’тиборини қаратди. Шариатда Оллоҳ томонидан қилинишига рухсат этилган амаллар, ишлар ҳалол дейилади. Ҳаром эса аксинча, қилинишига рухсат этилмаган ишлар ва амаллардир. Оллоҳ ҳаром этилган ишларни қилувчиларга бу дунёда ёки қиёмат кунида жазосини албатта бериши айтилган.

Ҳалол қилинган нарсалар ва ишлар кўпчиликка ма’лум, у ҳақда кўп эшитганмиз. Ҳаром қилинган ишларни эслатиб ўтиш ва эслатиб туриш жоиздир. Буларданайримлари қуйидагилар: соғ бўла туриб ишсиз юриш, зинокорлик, ота-онага оқ бўлиш, садо-сотикқа ғирромлик қилиш, бировнинг ҳаққига, омонатга хиёнат қилиш, қасамхўрлик, судхўрлик, ўғирлик, қароқчилик, ароқхўрлик, ғийбат, тухмат, бўҳтон, жосуслик, қотиллик, порахўрлик ва бошқалар киради. Хуллас, ҳаром инсон ва жамиятга зарар келтирадиган иш ва амаллардан иборат.

Исломда ота-онага меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик, фарзанд тарбияси, ва оилага садоқат масалаларига алоҳида э’тибор берилган. Кишиларни яхшилик қилиш, савоб ишларга қўл уриш, инсофли, диёнатли, виждонли бўлиш, меҳр-шафқатлилиқ, тўғрилиқ, ростгўйлик, софдил бўлиш, биродарга ёрдам бериш, камтарликка чақириш ғоялари илгари сурилган.

Юқоридаги инсон ма'навияти хусусиятлари каби масалаларни айрим жиҳатлари мазкур китонинг 3-бобида алоҳида мавзуларда кўриб чиқиш назарда тутилгани сабабли улар ҳақида ушби мавзу давомида батафсил тўхтаб ўтишни лозим топмадик. Ҳадисларда ахлоқий камолот масалаарида айтилган ба'зи фикрлардан намуна келтириш билангина чекландик, холос.

Мунофиқлик белгиси учтадир: ёлғон сўзлаш, ва'дасининг устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилишдир;

- омонат қўйган кишининг омонатини ўз вақтидаадо этинг;
- ҳаққингизга хиёнат қилган кишига сиз хиёнат қилманг,
- қачонки, бир гуноҳ қилиб қўйсангиз, уни ювиш учун орқасидан

бир саобли иш қилиш.

1. Нафсу ҳавога берилиб, йўлдан озишдан;

2. Нафсоний ва шаҳвоний ҳиссиётга берилиб кетишдан;

3. Илму ма'рифатга эга бўла туриб, ғофилларнинг ишини тутишидан;

Бешта нарсдан олдин бешта нарсани ғанимат билинг:

Ўлимдан аввал тирикликни, бетобликдан олдин саломатликни, бандиликдан авал бўш вақтни, кексаликдан аввал ёшликни, фақирликдан олдин бойликни.

Авалло онангга, ана онангга, ва ана онангга, сўнг эса отангга ахшилик қил.

Ота-оналарнинг кексалик ақтида ҳар иккисини ёки бири боолмаганда бошқасини рози қилиб, жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, ор бўлсин ва ана хор бўлсин.

Тасаввуф ва унинг ма'навий жиҳатлари

Шарқ халқлари тафаккурини асрлар давомида нурафшон этиб, ма'навиятимиз ва ма'рифатимизга чуқур та'сир ўтказган тасаввуф (сўфизм) та'лимоти ВИИИ аср ўрталарида пайдо бўлган. Дастлаб у зоҳидлик (таркиунёчилик- бу дунё ҳою-ҳавасидан воз кечиш) ҳаракати кўринишида бўлиб, Бағдод, Басра, Куфа, Дамашк шаҳарларида кенг ёйилган.

Асли тасаввуф сўзи "Сўфий" сўзидан, "Сўфий" сўзи эса арача "Сўф" сўзидан ясалган. Сўф деб араблар жундан бўлган матони айтадилар. Дастлабки даврларда сўфийлик йўлини тутган кишилар, бошқа одий кишилардан ажралиб туриш усун жундан тикилган чакмон, (у хирқа деб ҳам айтилган) ёки пўстин кийиб уришни одат қилганлар. Шунинг учун уларни жун чакмон кийиб юрувчилар, я'ни сўфийлар деб атаганлар. Сўфий бошқа одамлардан ўзини пок ва ғарибона турмуш

кечириши, доимий тоат-ибодатда бўлиши ва фақат илоҳий руҳга кўшилишни мақсад қилиб кўйиши билан ажралиб туради. Сўфий учун на дунёдан, на оҳиратдан та'ма бўлмаслиги керак. Ягона истак бу Оллоҳнинг дийдорига етишишдан иборат Фақирлик туйғусига эга инсон ва бировга бандаю, на бировга ҳожа, у ёлғиз Оллоҳга банда, у ёлғиз Оллоҳга эҳтиёж сезади. Ҳамма нарсадан оз кечиш, охир оқибатда ўзликдан кечиш – сўфийлик та'лимотининг ма'ниси мана шу. Буюк сўфий Боязид Бистомий айтадиларки: Ўзингдан ўтдинг, Оллоҳга етдинг. Ҳазрат Ҳожа Баҳоуддин айтадиларки: Бизнинг ҳеч нарсамиз йўқ, лекин ҳеч нарсадан камимиз йўқ. Ўша “ҳеч”...наrsa кетидан югуриб ҳам ташвишда ҳам эмасмиз. эгнимизда жанда, орқамизда гўристон, агар ўлсак ҳеч бир мотам керак эмас.

Тасаввуф – сўфийлик инсонни ўрганар экан, аввало, кишининг кўнглига, дилига таянади, кўнгилини, қалбни тарбиялашга, кўнгили кишисини вояга етказишга интилади, чунки Оллоҳ фақат кишининг покиза қалбидагина жилва қилади.

Тасаввуфда инсондаги жамики худбинликлар, иллатлар, разолат дунёсига хирс кўйиш жисм эҳтиёжи ва нафс та'масидан келиб чиқади, деб ўргатилади. Комил инсон бўлиш учун аввало, жисм ва нафс эҳтиёжи ва та'масини енгиш керак. Дунёга, бойликка меҳр кўйиш кишини нафсига қул қили қўади. Дареш, сўфий нафсни рад этади. Нафс барча фалокатлар сабабчиси, инсонни тубанлаштиручи наrsa. Инсонни фалокат ботқоғидан, тубанлик жаридан қутқариб, уни поклашнинг бирдан-бир йўли нафснинг эҳтиёжини енгишдир. Бунинг учун дунё муҳаббатидан оз кечиш ва Оллоҳ муҳаббатига кўнгили боғлаш даркор. Сўфийликда буни дунё моҳиятини ва ўзлигини, инсонийликни англаш йўли деб қаралган.

Ўзлигини англаган киши эса дунё ва унинг бойликлари ўткинчи эканлигини англайди. Ҳожа Баҳоуддин айтадилар: “Ўз нафсининг ёмонлигини таниш ўзлигини танишдир”.

Демак, тасаввуф илми – инсон ҳақидаги илмдир. У инсон қалбига сайқал бериш илми. Биз бу илмдан 70 йил давомиа беҳабар эдик. Инчунун, биз неча заонлар инсондан беҳабар қолдик ва не замонлар қалбииздан файз кетди. Ўтмишдаги Ҳожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбандийлар юртимиз ва халқимизнинг файзи камоли эдилар. Истиқлол туфайли шу нур, шу файз бизга қайтди.

Шуни ифтихор билай қайд этишимиз лозимки, тасавуф та'лимоти тараққиётида Туркистон фарзандларининг хизмати беқиёс бўлган.

Ҳожа Ҳаким ат-Термизий, Шайх Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самақандий, Ҳожа Абдуҳолиқ Гиждувоний, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Шайх Нажмиддин Кубро, Ҳожа Али Ромитаний, Абу Али- ал-Фармадий, Юсуф Ҳамадоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби сиймолар илоҳий ма’рифат йўлининг раҳнамолари бўлдилар. Улар яратган та’лимот ва илгари сурган ма’навий-ахлоқий ғоялар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқитган эмас. Чунончи Аҳмад Яссавий ҳикматларида илгари сурилган ахлоқий панд-насиҳатлардан молпарастликно фош этиш, кишиларни инсофли, диёнатли, имонли бўлишга чақиринишда фойдаланиш ўринли. Яссавий инсон ҳаётидаги катта кураш – нафсни таслим этишга хизмат қиладиган кураш деб ҳисоблаган. Нафсга мағлуб шоҳ – қул, нафсдан устунликка эришган ғариб – шоҳдир, деб айтилади. Нафс учун инсон катта ёвдир. Шу ёвнинг бошини янчган, уни енгган, нафсга таслим бўлмаган кишининг ғурури ва инсоний қадр қиматини ҳеч қи поймол қила олмайди, деб билган. Ўз ҳикматларидан бирида шундай дейи:

Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,

Йўлдан озиб, тойиб, тўзиб гумроҳ бўлур.

Ётса-турса шайтон билан ҳамроҳ бўлур....

У нафс бандаларига қарата “Нафсни тебгул, нафсни тебгил эй бадқирдор” деб мурожаат этади ва “Нафсим мени йўлдан уриб хор айлади,

Термултириб халойикқа зор айлади”, - деб нафс бандаларини танқид этади. Нафс инсондаги бутунликни, имонни синдиради, ма’навий жиҳатдан жарликка қулатади. Шу боис “Нафсни таниб меҳнат етса роҳат”, - деб хитоб қилади. Бу ғоялар бизнинг ҳозирги кунимиз, тарбиямиз учун ғоят муҳим.

Моароуннаҳр тасавуф та’лимотида Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳам қайд этишимиз лозим. Нақшбандия та’лимоти ҳайратланарли даражада ижтимоий-иқтисодий, ма’навий-ма’рифий ма’но ва моҳиятга, ҳаётий мазмунга эга.

Нақшбандия ма’навий-ахлоқий та’лимотида ҳур фикрлиликка кенг ўрин берилган. Бу сулукдагилар меҳнат қилиш, илм олиш, ўз меҳнати эвазига ҳалол яшаш, ноз-не’матларни кўпчилик билан баҳам кўриш, ҳаммага яхшиликни раво кўришни афзал билганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд: Айбсиз ода йўқ, шунинг учун агар айбсиз дўст ахтарсак, дўстсиз қоламиз, - дер эдилар.

Одамларга яхшилик қилиш энг юксак инсоний бурч эканлигини та'кидлаб, шам каби бўлгин ва одамларга ёруғлик бер, ўзинг эса қоронғуда бўл, деган экамлар.

Ҳожа Баҳоуддиннинг “Дил ба ёри даст ба қор” – Кўнгил Оллоҳда бўлсину, қўлинг эса ишда” ҳикматларининг инсон ма'навий дунёси такомилидаги аҳамияти беқиёсдир.

Тасаввуф тариқатлари ҳақида сўзлаганда Нажмиддин Кубро асос солган Куброия ҳақида ҳам тўхтаб ўтишни маслаҳат берамиз. Биз Нажмиддин Кубро сиймосида фақат тариқат бошчисини эмас, балки ўз Ватанини, халқини дилдан севган инсонни ҳам кўраемиз. 1221 йилда босқинчи мўғул галалари қадами Хоразмга етиб боради. Муҳаммад Хоразмшоҳ мамлакатни, фуқарони ўз ҳолига ташлаб қочади. Шу қалтис дамларда Урганчи ҳимоа қилишга 76 ёшлиқ Нажмиддин Кубро бошчилик қилади ва жангда қаҳрамонларча шаҳид бўлади. Унинг сиймоси халқ қаҳрамони сифатида асрлар оша яшаб келмоқда.

Нажмиддин Кубро асос солган Кубровия тариқатининг қоидалари 10 та бўлиб, уларда бу тариқат йўлини тутган сўфийнинг ички ма'навий дунёси қандай бўлиши кўрсатилган. Инсоннинг сабр-тоқатли бўлиши, бойлик ва мол-мулкка муккасидан кетмаслик, ҳар қандай пасткашлик, риё, макр ва ҳийла-найрангга бормаслик, ҳайвоний хусусият – шаҳвоний хирсларга берилмаслик ғоялари илгари сурилади.

Хулоса қилиб айтганда, тасаввуф илми – инсон ҳақидаги илмдир. Инсон қалбига сайқал бериш илми. У инсон одобини – я'ни ма'навиятини янада уксалтиради. Бутун ислом ахлоқликнинг энг муҳим қадриятларини бир нуқтага жамлади. Шу тариқа тасаввуф қомил инсон назарияси ва амалиётини ишлаб чиқди.

Шундай қилиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент Ислам Университетини ташкил этиш тўғрисидаги фармони ана шу фармонга шарҳда та'кидланганидек: “Ислам оммалашуви ва риожи сифатида ужудга келган тасаввуф ҳам Ўрта Осиё шароитида Яссавия, Кубровия, Нақшбандия тариқатларини вужудга келтирдик, улар бутун Ўрта Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатларининг асрлар давомида ма'навий, маданий риожланишида муҳим рўл ўйнади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1. Ҳ.Бобоев , С.Ҳасанов. “Авесто” ма'навиятимиз сарчашмаси. Т.: “Шарқ” 2001 й.**
- 2. Ж. Раҳимов. Ўлкани ўрганишни нимадан бошламоқ керак. 1990 й.**

3. Қур’они Карим. Т.: “Чўлпон” 1992 й.
4. Ал- Бухорий. Ҳадис. 4 жилдли тўпلام Қомуслар Бош таҳририяти. 1997.
5. Ислон Арконлари. Т.: “Шарқ”
6. Н.Комилов. тасаввуф. Т.: “Ўзбекистон”. 1998 й.

3-МАВЗУ: АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР СУЛОЛАСИ ДАВРИДА МА’НАВИЯТ

**Амир Темур буюк давлат арбоби, уксак ма’навият соҳиби
Режа.**

- 1. Амир Темур буюк давлат арбоби.**
- 2. Темур буюк атанпарвар, улуғ саркарда.**
- 3. Темурийлар даврида ма’навият юксалиши.**

Амир Темур – буйк шахс, кураги ерга тегмаган саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, талантили ме’мор, нотик, руҳшунос, шу билан бирга эл-юртини, халқини севган ва уни машҳури жаҳон қилган инсон. Амир Темурнинг тарихи ва кўп жилдлик китоблар ёзишга арзийди. Мустақилликка эришгинимизга қадар буни амалга ошириш имконига эга эмас эдик. Чунки коммунистик ғоя бунга йўл бермади. Амир Темурнинг ўзи танқирланиб тухмату маломатларга қолди. Шукрлар бўлсинки, мустақиллик туфайли кўп минг йиллик бой тарихимизни, шу жумладан, улуғ бобомиз Амир Темурни ўрганиш имконига эга бўлдик.

Амир Темур 1336 йилнинг 9 апрелида Шаҳрисабзнинг Хўжа Илғор қишлоғида таваллуд топди. Темурнинг ёшлиги ва йигитлик йиллари мамлакат оғир ижтимоий-сиёсий бўҳрон исканжасига тушиб қолган бир даврда кечди.

Узоқ ва машаққатли курашлардан сўнг Амир Темур ўз рақибларини енгиб, ҳокимиятни қўлга киритди. Майда, тарқоқ феодалларни бирлаштириб, марказлашган давлат бунёд этди, мамлакатда иқтисодий ва маданий ўзгаришлар қилди.

Амир Темурнинг тарих олдидаги хизмати бениҳоят катта. Биринчидан у мамлакатда юқорида айтганимиздек кучайиб кетган феодал тарқоқликка барҳам бериб, эл-юртни ўз туғи остида бирлаштира олди, мўғуллар зулмига нарҳам бериб, марказлашган йирик феодал давлатини яратди. Бу билан ҳунармандчилик, савдо-сотик ва маданият риожига мустаҳкам замин яратиб берди. Бугун “Темур ва Темурийлар маданияти”, “Темурийлар давлати”, “Темурийлар маданияти”, “Улуғбек ва Самарқанд астрономия мактаби”, “Навоий” ва “Бобур” каби қутлуғ сўзларни нафақат ўзбекнинг, балки жаҳон халқлари асарлари саҳифаларида учратар эканмиз, бу гапларнинг заминидан албатта, Амир Темурнинг улкан хизматлари ётади. Иккинчидан, Амир Темур, ўзи билибми-билмасданми, лекин бир қатор халқлар ва юртларни мустамлакачилар зулмидан озод бўлишига ёрдам берди. Масалан, ўша даврнинг энг қудратли ҳукмдорларидан ҳисобланган

Боязид Йилдиримни тор-мор келтириб, Болқон ярим ороли ва Европа халқларига озодлик бағишлади, Олтин Ўрда хони Тўхтамишни икки марта тор-мор этиб, Россияни мўғуллар ҳукмронлигидан қутулишини қарийб 300 йилга тезлаштирди.

Амир Темур замонида ёзилган асарларни кунт билан ўқисак, ўргансак, унинг кўп яхши хислатлари: тўғрилиқ, мурувватлиқ, эл-юртига меҳр-муҳаббат ва бошқаларини билиб олишимиз мумкин. Амир Темурда ватанни севиш, халқини улуғлаш, фахрланиш ва ғурурланиш сингари олий ма'навий фазилатлар барқ уриб турган. Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Низомиддин Шомийнинг, шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарлари, Ибн Арабшоҳнинг “Темур ҳақидаги тақдир ажойиботлари” ва бошқа асарларда келтирилган соҳибқироннинг ибратли ишлари, панд-насихатлари ва ўғитларидан ҳам унинг кимлигини билиб олса бўлади. Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари бекиёс. Ўзининг кўп йиллик ҳарбий юришлари билан Шарқнинг жуда кўп обод вилоятларини ва шаҳарларини забт этган Амир Темур ўз давлатининг шон-шуҳрати учун унинг марказий қисми бўлган Мовароуннаҳрнинг, айниқса, пойтахти Самарқанднинг ободонлигига алоҳида аҳамият беради. У забт этилган мамлакатлардан фақат моддий бойликларнигина эмас, балки жуда кўп хунармандлар, сан'ат аҳллари ва олимларини Мовароуннаҳрга олиб келади ва мамлакатни обод этишда уларнинг меҳнатидан фойдаланади. Амир Темур *Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, Туркистонда машҳур Аҳмад Яссавий* қабри устига мақбара бино қилдирди. Ўзининг она-Ватани Кешда отаси ва ўғли Жаҳонгирнинг қабри устига мақбара қурдирди, катта жоме' масжидини бунёд этди. Темур ҳукмронлигининг илк даврида Кеш шаҳрини пойтахтга айлантириш ниятида бўлиб, унинг ободонлигига катта аҳамият берди. Унда дунёга донғи кетган машҳур Оксарой қад кўтарди. эроний ме'морларнинг маҳорати билан бино қилинган бу мухташам сарой пештоқи, тоқ-у равоқлари ва деворлари зангори ва олтин рангдаги арабий нақшли кошинлар, гулдор ўймакор парчинлар билан зийнатланди. Соҳибқирон Кешга алоҳида э'тибор бериб, уни Ўрта Осиёнинг ма'навий марказига айлантиришга ҳаракат қилди. Шу боисдан бу шаҳар «Қуббатул илм вал адаб» унвонига эга бўлди. Тарихчи Шарофиддин али Яздий ёзишича Темур *“Ободончиликка ярайдиган бир қарич ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди”*

Амир Темур турк, араб ва эронликлар тарихини чуқур билган. У ма'навий ҳамма нарсадан устун туришини англаган ҳолда олим ва фузалолар фикрини ғоятда ҳурмат қилган. Амалий жиҳатдан фойда келтира оладиган ҳар қанақа билимни қадрлаган. У давлат ишлари учун ҳамма нарсанинг фойдали томонларини олишга ҳаракат қилган. Давлат аҳамиятига эга бўлган ҳар бир масалани ҳал этишда Амир Темур шу соҳанинг билимдонлари ва уламолар билан маслаҳатлашарди. Одатда, у тиббиёт, математика, астрономия, тарих, адабиёт, тилшунослик илми намояндалари, шунингдек, дин соҳасидаги машҳур уламолар билан суҳбатлар ўтказарди. Бундай суҳбатларда подшоликка оид муҳим ишлар ҳақида сўз юритиларди. Масалан, 1403-йилда Байлакон шаҳрида у уламоларнинг мажлисини чақириб, унда нутқ сўзлаган. Мамлакат ҳамда фуқароларни бошқаришни, турли хил иншоотлар ва жамоат биноларини қуришда унга олимлар ва фузалолар ўз маслаҳатлари билан кўмаклашишларини сўраган. Амир Темур саройида уламолардан Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсиддин Мунши, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Баҳриддин Аҳмад, Хўжа Афзал, Мавлоно Алоуддин Коший, Жалол Хокий ва бошқалар хизмат қиларди.

Амир Темур ма'навиятини белгиловчи бош мезон “Куч – адолатда” шиоридир. Темур бу шиорга бир умр амал қилган.

Амир Темур ҳаётлик давридаёқ унинг ҳарбий сан'ати ва давлат бошқариш услубига бағишланган махсус асар яратилиб, у «*Темур тузуклари*» номи остида шуҳрат топади. Бу асарда давлатни бошқаришда кимларга таяниш, тож-у тахт эгаларининг тутуми (йўналиши) ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини сайлаш, сипоҳларга муносабат каби ҳаётий ма'навий-ахлоқий масалалар қонун қоидалар ўз ифодасини топган.

Соҳибқироннинг “Темур тузуклари”дан қуйидагиларни ўқишимиз мумкин:

“Юз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин”.

“Золимлардан мазлумлар ҳақини олдим. Золимлар еткизган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин уларни шариятга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим”.

“Кимки бировнинг молини зўрлик билан тортиб олган бўлса, мазлумнинг молини золимдан қайтариб олиб, эгасига топширсинлар.

Агар кимда-ким тиш синдирса, кўзини кўр қилса, кулоқ бурун кесса, шароб ичса, зино қилса, девондаги шарият қозиси ёки аҳдос қозисига топширсинлар”.

Қуйидаги тузукларда Амир Темурнинг кечиримлилик хислатларини кўришимиз мумкин:

“Менга омонлик қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, илтижо билан товба-тазарру қилиб келгач, хурматлаб, ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим.

Мартабаларини оширдим. Улар билан муомалада шундай йўл тутдимки, агар хотираларида менга нисбатан шубҳа-ю кўрқув бўлса унут бўларди”.

“Манга ҳасад қилиб, ўлдиришга қасд қилган кишиларга шунчалик совға-ин’омлар бериб, муруввату эҳсон кўрсатдимки, бу яхшиликларни кўриб, хижолат терига ғарқ бўладилар. Ҳамиша менинг розилигимни олиб иш тутган дўстларим олдимга паноҳ тилаб келганларида, уларни ўзимнинг тахту давлатимга шерик қилиб, ҳеч қачон улардан мол-мулк ва тирикчилик ашёларини аямадим”.

“Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни тотиб менга ёмонлик қилганларни парвардигори оламга топширдим...”

. Агар душманинг бош уриб паноҳингга келса, раҳм қилиб ахшилик ва мурувват кўрсат”.

Амир Темурнинг дўстлик ҳақидаги панду-насихатлари ҳам ҳалихануз биз учун ибратдир.

“Содик ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимаиди, дўстнинг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямаиди”.

Амир Темурнинг умр бўйи ободончилик, қурилиш ишларига катта аҳамият берганлиги, камбағалпарварлигини унинг қуйидаги ўғитларидан ҳам билиш мумкин:

. “Кимки бирон саҳрони обод қилса, ёки кориз қурса ё бирор боғ кўкартирса, ёхуд бирор хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, учинчи йили қонун қоидага мувофиқ хирож йиғсинлар”.

“Катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар буно қилсинлар, фақиру мискимларга лангархона солсинлар, касаллар учун шифохона қурдирсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар...”.

Амир Темурнинг қуйидаги сўзлари асрлар оша халқимизнинг асл фарзандларини эл-юрт, Ватан ҳақида қайғуришга чорлаб келди:

“Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин”. Бу жумлаларда Амир Темур ма’навияти жамул-жам бўлган бўлса не ажаб.

Буюк соҳибқирон мафкурасининг асосий моҳиятини ташкил этган – “миллат дардига дармон” бўлишга чақириғи ҳозирги кунда ҳам сув билан ҳаводек зарур да’ватдир.

“Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, дунёда икки куч – бунёдкорлик ва бузғунчилик ғоялари ҳамيشа ўзаро курашади. Бунёдкор ғоя инсонни улуғлади, унинг руҳига қаноат бағишлайди. Соҳибқирон Амир Темурнинг пароканда юртни бирлаштириш, марказлашган давлат барпо этиш, мамлакатни обод этиш борасидаги ибратли фаолиятига ана шундай эзгу ғоялар асос бўлган”.

Амир Темур ва Темурийлар сулоласи даврида яратилган ма’навий меросининг ўзбек халқининг ма’навий меросида тутган ўрни

Миллий мустақиллигимиз туфайли жаҳон ма’навияти ва ма’рифати саҳнида катта ўринга эга бўлган пири-комил аجدодларимизни ва улар қолдирган бой ма’навий ма’рифий меросни англаш, ўрганишга имкон туғилди.

XV аср бошларида Шохрух, Улуғбек, Абусаид ва Султон Ҳусайн ҳукмронлик қилган даврларда мамлакатда ма’лум даражада қарор топган осойишталик туфайли қадим замонлардан давом этиб келаётган ан’аналар асосида илм-фан ва маданият янада жонланди. Бу даврда Мовароуннахрнинг пойтахти Самарқандда ҳам, Хуросоннинг маркази Ҳиротда ҳам Амир Темур ан’аналари давом эттирилиб, олимлар-у фузалолар, шоирлар-у бастакорлар, ме’морлар-у бинокорлар, наққошлар-у моҳир хунармандларнинг каттагина гуруҳи тўпланган эди. Мовароуннахрда, хусусан Самарқандда илм-фан ва сан’атнинг тараққиётида замонасининг маданий доиралари муҳитида тарбияланиб, ёшлигидаёқ машҳур олим сифатида шуҳрат қозонган Улуғбекнинг роли ва ҳиссаси ниҳоятда буюқдир. Мовароуннахр ва Хуросоннинг бой ва серқирра маданияти ва ислом дунёсининг ма’навий ан’аналарига суянган ҳамда ўз даврининг маданий тажрибаларидан тўла фойдаланиб, уни ўзлаштирган Улуғбек мамлакатнинг равнақи, айниқса унинг ма’навий камолотида илм-фаннинг ва сан’атнинг нақадар муҳимлигини яхши тушунарди. Улуғбек мамлакатининг сиёсий ва иқтисодий ҳаётини бошқариш билан бир қаторда, илмий ишлар билан шуғулланади, олимларнинг мунозараларида фаол қатнашади. Манбалардан келтирилган

ма'лумотларга қараганда, Улуғбек ўтмишдошлари Абмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино асарларини батафсил ўрганади. Бу буюк мутафаккирларнинг асарлари орқали у қадимги юнон олимлари Афлотун, Арасту, Гиппарх, Птоломейларнинг мумтоз асарлари, билан ҳам танишади. Улуғбек Мовароуннаҳр шаҳарларини, хусусан Самарқанд ва Бухорони илм-у ма'рифат даргоҳига айлантиришга интилади. Унинг фармони билан 1417 –йилда Бухорода, 1417-1420-йилларда Самарқандда ва 1433-йилда Ғиждувонда мадрасалар қад кўтаради. Ҳатто Бухоро мадрасасининг дарвозасига «*Билим олиш ҳар бир мусулмон аёл ва эркакнинг бурчидир*» деган калима ўйиб ёзиб қўйилади. Ушбу мадрасаларда илоҳият илмлари: *Қур'он*, *ҳадис*, *талсир*, *фиқҳ* (дин ва шариат қонун ва қоидалари) билан бир қаторда *риёзиёт*, (математика), *ҳандаса* (геометрия), *илми ҳай'ат* (астрономия), *тиббиёт* (медицина), *тарих*, *жўзрофия*, *илм-у аруз* (поетика), *араб тили ва унинг морфологияси* (кофия) каби дунёвий илмлар ҳам ўқитиларди. Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида мударрислик қилган олимларнинг бир қисми турли фанлардан талабаларга дарс бериш билан бир қаторда, математика, география ва астрономия бўйича амалий масалалар билан ҳам шуғулланадилар. Расадхона ҳали қурилиб ишга туширилгунга қадар осмон ёриткичларининг ҳолатини кузатиш ишлари ма'лум даражада мана шу мадрасада ва Улуғбек томонидан қурдирилган Муқатта' масжидида олиб борилган эди.

Шўро даврида бу каби манавиятимизнинг шамчироқларини ёққан аждодларимиз босқинчи қароқчи жоҳил дея ерга урилди, ҳақорат қилинди. Президентимизнинг қуйидаги сўзларини эслайлик: “Шўро даврида бизга Амир Темурни босқинчи, золим, қонхўр, жаллод, бориб турган жоҳил деб уқтириб келишди. Бундан кўзланган мақсад битта бўлган – бизнинг ўзлигимизни, тарихимизни униттириш, бизни манқуртга айлантириш.”

Емндиликда аждодларимиз номи тўла ма'нода қайта кашф этилди: тошкентнинг қоқ марказида соҳибқиронга ўрнатилган ҳайкал мустақиллик пойдеворига қўйилган олтин ғишт бўлди.

1994 йил Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги кенг нишонланди.

Юксак мукофот – Амир Темур ордени та'сис этилди. Президентимиз И.А. Каримов та'кидлаганларидек: “давлатчилигимиз асосларини яратиб кетган бобомиз Темур ғайрат-шижоати, юксак ақл-заковати, тадбиркорлиги, элпарварлиги, инсонийлиги билан бизга ҳамиша ибрат

намунаси бўлиб қолғусидир. Биз у зоти олийдан ҳамиша руҳий мадад оламиз”.

Фойдаланилган адабиётлар.

- 1. Каримов И.А. Амир Темур ғуруримиз, фахримиз. Т.: “Шарқ” 1996 й.**
- 2. Б. Аҳмедов. Амир Темур. 1996 й.**
- 3. Амир Темур тузуклари. 1996 й.**
- 4. Б. Аҳмедов. Амир Темур ва Шарқ уйғониш даври. 1996 й.**
- 5. Буюк сиймолар, алломалар. Т.: “Ўзбекистон”. 1996 й.**

4–МАВЗУ: МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ, УНИ МУСТАҲҚАМЛАШ, ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ТА’МИНЛАШ, ШАХС МА’НАВИЯТИ БЕЛГИЛАРИ. ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК, ҚОНУНГА ИТОАТКОРЛИК, ДАВЛАТ ТИЗИМИГА ҲУРМАТ, ФУҚАРОЛИК БУРЧИГА САДОҚАТ – ШАХС МА’НАВИЙ БАРКАМОЛЛИГИ МЕЗОНЛАРИ

Режа.

- 1. Миллий ўзликни англаш, унинг моҳияти.**
- 2. Ҳуқуқий саводхонлик.**
- 3. Демократиянинг ма’навий-ма’рифий жиҳатлари.**
- 4. Миллий ўзликни англашда Ватан тарихи, кадриятларнинг ўрни.**

миллий

Миллий ўзликни англаш ҳар бир инсон учун ма’навий баркамолликнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Чунки у аввало, ўзининг кимлигини билиб олса, қайси миллатга мансублигини тушуниб

етса, авлод-аждодлари, улар қолдирган модий ва ма’навий меросни ўзлаштираганига тўлақонли шахс даражасига етиши мумкин. Бундай шахслар миллатнинг аксарият кўпчилик қисмини ташкил қилсагина бундай иллатнинг истиқболи буюк бўлади. Шунинг билан бирга ўзини-ўзи чуқур англаб етган, кўзи очилган, ақли расо, ғоявий сиёсий жиҳатдан уйғонган ва жипслашган халқ ва миллатни, ўтмишда бўлганидек, мустамлакачилик кишанларида ушлаб туриш, тили, маанияти,

кадриятларини оёқ ости қилиш, бойликларини талаб кетиш, ҳуқуқларини поймол этиш, давлат мустақиллигидан жудо қилиш асло мумкин эмас. Ўз ўзини англаш бу халқнинг, миллатнинг ўтмиш тарихий тараққиёт йўлини, ота-боболари, насл-насаби, авлоду-аждодларининг ким бўлганлиги ва уларнинг жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига қўшган буюк ҳиссаларини билиб олишдир.

Миллий ўзликни англаш – миллат яшаётган Ватаннинг пороқ истиқболини та’инлаш учун қандай имкониятлар а қулайликларга эга эканлигини чуқур англаб етиш, улар билан чексиз фахрланиш, мавжуд имкониятларни юзага чиқариш, реал воқеликка айлантириш учун ўзини сафарбар этиш, барча имкониятлари, куч ғайратини ишга солиш демақдир. Миллат мавжуд бўлиши учун тил, ҳудуд ва ма’навият асоси шарт бўлгани каби миллий ўзликни англаш ҳам асосий зарурий шарт ҳисобланади. Ўзликни англаш ўз моҳиятига кўра миллат ва элатлар

учун хос бўлган ма'навият хусусиятларини ифода этиб, ўз функциясига кўра миллий манфаатларни ҳимоа қилади.

Шундай қилиб, ҳар бир миллат ва элатнинг ўзини реал мавжуд суб'ект, муайян моддий ва ма'навий бойликларини ифодаловчи этник бирлик, тил, урф одатлар, ан'аналар, кадриятларга мансублигини, манфаатлар а эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишга миллий ўзликни англаш, деб аталади. Миллий ўзликни англаш миллат бирлигининг мустаҳкамлигини, миллат манфаатларининг, шахс, маҳаллийчилик манфаатларидан устун туришини англаш даражаси билан боғлиқдир. Миллий ўзликни англаш реал ҳаётдаги миллат ша'ни, кадр-қимати, обрў-э'тибори поймол этилганда ёки миллатнинг манфаатларига нисбатан иккинчи бир томондан зўравонлик ҳаракатлари бошланиб кетган ҳолатларда янада кучли ва яққол намоён бўлади. Бундай ҳолатда, миллатнинг барча вакиллари қайси лавозимда хизмат қилиши, қайси даражада бой ёки камбағал бўлишидан қат' назар ўзаро бирлашиб кетадилар ва миллатнинг манфаатларини ҳимоа қиладилар.

Миллий ўзликни англаш миллатнинг тил, урф-одатлар, ан'аналар, кадриятлар, ҳудуд ягоналиги, ма'навиятдаги ўзига хослигидан иборат белгилари каби миллатнинг мустақил белгиси ҳисобланади. Миллий ўзликни англаш миллатнинг мустақил белгиси эканлиги – миллий манфаатлар, эҳтиёжларини умумийлигини ҳимоя қилиш ва миллий тараққиётга эришиш ва унинг жаҳон тараққиётидаги ўрнини мустаҳкамлаш заруриятини англаш билан белгиланади.

Миллий ўзликни англаш омилининг қудрати қуйдаги шароитларда кўпроқ намоён бўлади:

Биринчидан, агар миллий ўзликни англаш ривожланган бўлса, юқорида қайд этганимиздек, миллатнинг манфаатларига, айниқса, ша'ни, кадр қиммати, обрў-э'тибори, ғурури поймол этилишига қаратилган ҳаракатлар юзага келган шароитларда, миллатнинг барча вакиллари бирлашиб кетадилар, ҳатто миллатнинг ичида ўзаромухолафатда бўлган томонлар ҳам миллатнинг ша'ни, ғурури, обрў-э'тиборини ҳимоя қилиш анфаати йўлида бирлашадилар.

Иккинчидан, миллий ўзликни англаш руҳий, ҳис-ҳаяжон, эҳтирос омилидир. Мазкур ҳолат ташқаридан қараганда сезилмайди. Уни миллатнинг ҳатти-ҳаракатларида, интилишларида ва мақсадларини амалга оширишларидаги салоҳияти орқали билиб олиш мумкин бўлади.

Рухий ҳис-ҳаяжон ва эркинликларнинг “портлаши” миллатнинг арактери, хусусиятлари, миллиё ғояларни яратувчи, унинг тараққиётида олдинги сафда турувчи зиёлиларнинг салоҳиятига боғлиқ.

Учинчидан, миллий ўзликни англаш омили фақат миллий манфаатларни ҳимоя қилиш билан чекланмайди, балки миллий тараққиёт жараёнида, унинг олдида юзага келадиган ички муаммоларни ҳал қилиш ҳамда миллатни бирлаштирувчи ва ҳаракатга келтирувчи вазифани ҳам бажаради. Бу муаммолар мамлакатда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-ма’рифий соҳаларда содир бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, Миллий ўзликни англаш миллатнинг муҳим белгиси сифатида, фақат унинг манфаатларини ифодалаб ёки ҳимоя қилиш билан чекланмайди, балки шулар билан бирга унинг абадийлигини та’минлаб турувчи мустаҳкам кўрғон ҳамдир.

Сиёсий ма’навияти, миллий онги ривожланган, миллий жиҳатдан ўзини ўзи англаб етган халқ, миллат мустақилликнинг буюк кучига айланади. Миллатнинг, халқнинг куч-қудрати унинг сони билан ўлчанмайди, балки сиёсий етуклиги, миллий онгнинг ўсганлиги, миллий ғурури, миллий ҳиссиёти, миллий туйғунинг қай даражадалиги, ўз ўзини англаб этганлиги, миллий уюшганлиги билан белгиланади. Шахс ма’навиятини ривожлантиришнинг омиллари ва воситалари кўп:

Ўзбек халқининг энг қадимий даврлардан бошлаб ҳозирга қадар давом этиб келаётган, ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган ажойиб кадриятларидан бири ота-онани юксак даражада э’зозлаш, иззат-икромини, ҳурматини жойига қўйишдан иборатдир. Фарзанд учун дунёда ота-онадан кўра меҳрибон, азиз ва мў’табар зот йўқ. Ота-она фарзандларнинг суянчиғи, битмас-туганмас бойлигидир.

Ота-она ўз фарзандидан ҳеч нарсани аямайди. Уларнинг табиат ато этган буюкликлари ҳам ана шунда ўзбек халқи одоб-ахлоқи бўйича, кексаларнинг, ота-онанинг олдидан салом бермасдан ўтиш гуноҳ ҳисобланади. Ота-онани кадрлаш, уларнинг беўлчов, беминнат хизматиغا бир умр содиқ бўлиш, дуоларини олиш - болаларнинг фарзандлик бурчидир. Бу миллий кадриятларимизнинг энг муҳим талабларидан биридир.

Буюк бобомиз хазрат Алишер Навоий айтганларидек, ота-онани ҳурмат қилиш «...фарзандлар учун мажбуриятдир. Бу иккисига хизматни бирдек қил, хизматинг қанча ортиқ бўлса ҳам кам деб бил.

Отанг олдида бошингни фидо қилиб, онанг боши учун бутун жисмингни садақа қилсанг арзийди! Икки дунёнинг обод бўлишни истасанг, шу икки одамнинг розилигини ол! Туну кунингга нур бериб турган - бирисини ой деб бил, иккинчисини қуёш. Уларнинг сўзларидан ташқари бир нарса ёзма, улар чизган чизиқдан ташқарига бир қадам ҳам босма. ҳамма хизматни сен одоб билан бажар, «адаб» сўзидаги «дол» каби қоматингни ҳам қил».

Тан олишимиз керакки, шўролар даврида кексаларни, ота-оналарни ҳурмат қилиш ҳақидаги миллий қадриятларимиз бироз хира торта бошлади. Ба'зи ёшларимизда ўзларидан катталарни, нуроний қарияларни ҳурмат қилиш, уларнинг насиҳатларига қулоқ солиш сингари юксак ма'навий фазилатлар йўқолиб кетаётгани сезилмоқда. эҳтимол, бошқа миллат кишилари бунга унчалик э'тибор беришмас, лекин биз, ўзбеклар буни ҳис қилмай иложимиз йўқ.

Кексалар учун ажратилган уйларда фарзандлари тирик, ўзига тўқ бўлган ота-оналар яшаётганлигига тоқат қилиб бўлмайди. Гоҳи-гоҳида бўлса ҳам, ота-онага қўл кўтариш, ундан ҳам оғирроқ жиноят қилиш ҳоллари содир бўлиб турганлигини эшитиб турибмиз! Бу - оддий нуқсон эмас, балки учига чиққан тубанлик, бағритошлик, миллий қадриятларимизни оёқ-ости қилиш, ўз инсонийлигини йўқотишдир. Миллий қадриятларимизга, ўзбек халқининг ша'нига доғ тушурадиган бундай ярамас ҳодисалар замини, илдизи, сабаби нимада, деган савол пайдо бўлиши табиий.

Шўролар даврида, авлод-аждодларимизнинг ўғитлари, панд-насиҳатлари, ажойиб ан'аналаримиз тарғиб қилиниш ўрнига нукул қораланди, ёмон отли қилинди, бид'ат, хурофот, деб баҳоланди. Миллий тарбия борасидаги меросимиз ўрганилмади, тарғиб этилмади. Уларнинг ўрнига та'лим-тарбия борасида Европа, Русия моделини кўкларга кўтариб мақтаб, тарғиб қилиб, ёшларимизни ўз миллий қадриятларимиздан бебаҳра қилиб қўйдик. Ана шу туфайли диний-ахлоқий, оила, қўни-қўшни, маҳалла-қўйлар та'сири каби та'лим-тарбиянинг ҳаёт синовидан ўтган бебаҳо бойликларидан жудо бўла бошладик. Мустақиллигимиз туфайли буларга чек қўйилди, бундай салбий иллатларни тугатиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Катталарга иззат-икром, кичикларга меҳр-шафқат, ота-оналарга э'зоз, фарзандларга меҳр-садоқат каби инсонни инсон сифатида улуғлайдиган, ахлоқий, ма'навий жиҳатдан гўзал ва баркамол

қиладиган қадриятларимиз одамлар, айниқса ёшлар қалбидан ўрин ола бошлагани қувончли бир ҳолдир.

Мустақил ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни - Конституцияда фарзандларнинг жамият, оила, ота-оналари олдидаги инсоний бурчлари ва мас'улиятлари нималардан иборатлиги миллий қадриятларимиздаги асосий ғоя ва қоидаларга асосланиб белгилаб берилган. Унинг 66-моддасида қайд қилинишича, вояга этган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Хуллас, ҳар бир фарзанднинг ўз ота-онасини э'зозлаши фарзандлик бурчи ва жамият олдидаги мас'улияти саналади. Ота-онани э'зозлашнинг қуйидаги шарқона талабларига ҳаммамиз амал қилишимиз ҳам фарз, ҳам қарз, фарзандлик бурчимиздир. Ота-онага таом бериш, озода қилиб кийинтириб қўйиш, касал бўлганда шифокорга кўрсатиш, керакли дори-дармонни келтириб бериш, доимо ҳол-аҳвол, сиҳат-саломатликларини сўраб туриш, ота-она олдида «ух» тортмаслик, гердаймаслик лозим бўлади. Ота-она норизо бўлган ишни қилмаслик, ароқ ичма, ёмонга қўшилма, деса уни қилмаслик ва қўшилмаслик керак бўлади. Кўчада юрганда отадан олдин юрмаслик, отадан аввал овқатга, дастурхонга қўл узатмаслик, отадан аввал ўтирмаслик, отадан кўра пойгакда ўтириш, отанинг олдида оёқни узатиб ёнбошлаб олиш бизнинг ахлоқ-одобимизга кирмайди. Ота-она чақирганда лаббай деб жавоб қайтариш, нима иш қилаётган бўлса, ҳеч иккиланмасдан дарров уларга жавоб бериш фарзандлик бурчи ҳисобланади. Шунда ота-она ўз фарзандидан рози бўлади. Ота-онанинг розилигини олган фарзанд барака топади, иши ўнғидан келади, олдига қўйган мақсадига эришади. Ота-онаси норизо бўлган фарзанд кечгача югурса ҳам, ишининг баракаси бўлмайди, бири иккига айланмайди. Турмушга чиқиш, уйланишда ота-онанинг розилигини, оқ фотиҳасини олишда ҳикмат кўп. Юқоридагиларнинг ҳаммаси биз учун бир ховуч олтин, хазина. Келгуси ҳаётимиз учун пойдевор қўйиш демакдир. Бу дунё қайтар дунё, нима эксанг шуни ўрасан, Сиз ота-онангизга нима қилган бўлсангиз, у сизга фарзандларингиздан қайтади. Бу ҳам табиат қонуни бўлса не ажаб!

Енди ота-онани ҳурмат қилишнинг улуғворлиги ҳақидаги ба'зи ибратли фикрларни ҳадислардан келтириб ўтамиз. «қайси бир мусулмон фарзанди савоб умиди билан эрталаб ота-онасини зиёрат қилса, Оллоҳ таоло унга жаннатдан иккита эшик очади. Агар улардан биттасини зиёрат қилса, унга жаннатнинг бир эшигини очади. Бола

ота-онасидан қайси бирини хафа қилса, уни рози қилмагунча, Оллоҳ таоло ундан рози бўлмайди»; «Ким ота-онасини рози қилса, унга тубо (жаннатдаги дарахт) насиб бўлиб, Оллоҳ таоло унинг умрини ҳам зиёда қилади»; «Уч тоифа кишиларнинг дуоси, ҳеч шубҳасиз, Оллоҳ таоло қошида мақбулдир: мазлум кишининг дуоси, мусофирнинг дуоси ва ота-онанинг дуоси»; «Ота-оналарнинг кексайган вақтда ҳар иккисини ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб, жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин, ва яна хор бўлсин»; «Ота-онага итоат қилиш - тангрига итоат қилишдир. Уни олдида гуноҳ қилиш тангри олдида гуноҳ иш қилиш билан баробардир» ва бошқалар.

Юқорида фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи ҳақида фикр юритдик. Ота-онанинг ҳам фарзанд олдидаги бурчи ниҳоятда катта ва мас'улиятлидир. Фарзандларнинг келажакда қандай ма'навият эгаси бўлиши кўп жиҳатдан ота-она, у берган тарбияга боғлиқ. ҳар бир ота-она фарзанди олдида ўз оталик, оналик бурчини тўлиқ ҳис этиши, унга жавобгарлигини ма'нан англаб этиши керак.

Собиқ шўролар даврида узоқ вақт миллий ва ма'навий тарбия четга суриб қўйилди. Оқибатда болалар тарбиясида ота-она мас'улияти пасайиб кетганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ваҳоланки бола, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида ота-она берадиган тарбия жуда муҳим аҳамиятга эга. Фарзанд тарбияси қуйидаги босқичларда амалга оширилишини ҳар бир ота-она яхши билиши фойдадан холи бўлмайди. Биринчиси - насл тарбияси, я'ни бола тарбияси - бола туғилмасдан уч-тўрт йил олдин бошланиши керак. Я'ни бўлғуси она ва отанинг соғлиғи, фарзанд тарбиялашга мас'уллигини ҳисобга олиш лозим бўлади. Бу - бола, фарзанд кўришни истаган ота-онанинг бўлажак фарзандлари тақдирига мас'улият билан қараб, ўзларининг саломатликларини яхшилашларини назарда тутати. Иккинчи босқич - ҳомиладорлик давридаги парвариш. Бу масала ўта муҳим, ўта аҳамиятли бўлиб, бизда бу энг қолоқ соҳа бўлиб келмоқда. Ривожланган мамлакатларда ҳомиладорлик даври туғилажак инсон тақдирининг 60 фоизини белгилаши кўзда тутилади. Бу даврдаги чора-тадбирлар аксарият ота-оналар томонидан амалга оширилади. Учинчи давр бола туғилгандан то 6-7 ёшгача бўлган давр. Шу даврга келиб, бола ма'навиятининг асосий куртаклари шаклланиб бўлади. Сўнг ана шу ма'навий куртакларни парваришлаш ва янада ривожлантириш даври бошланади.

Ма'навий баркамоллик, балки, бешикдаги алланинг мазмунидан, болани кийинтириш-у уни ҳалол лукма билан боқишдан бошланиши мумкин. ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд айтганларидек, инсондаги яхши фе'ллар, амоллар ҳалол лукмадандир. Демак, ота-она фарзандини ҳалол лукма билан боқса, у фарзанд ма'нан пок ва ҳалол бўлиб вояга этади. Биз шўролар замонида буни унутаёздик, аҳамият бермадик, боз устига тарбияни ҳам тузум ўз манфаатларига мослаштириб, уни ўз қўлига олди.

Хулоса шуки, бола тарбиясини доно халқимиз айтганидек, у ҳали туғилмасдан ота, она ва бутун оила а'золари ҳамжиҳатлигида бошлашимиз лозим булади.

Оламда барча нарса жуфт-жуфт бўлиб яратилган. Жуфт бўлиб яшаш табиат қонуни, тақозоси. Лекин оила бўлиб яшаш барча махлуқотлар орасида фақат одам наслига хосдир.

Оила жамиятнинг биринчи ва бирламчи буғини, заррачаси. Жамият ана шу кичик зарралардан ташкил топади. эр ва хотин - икки тирик вужуднинг, икки оламнинг ўзаро иттифоқидан пайдо бўлган учинчи бир олам - бу оиладир. Агар оила тинч-тотув, аҳил бўлса, олам тинч ва обод. Акс ҳолда, турмуш дўзахга айланади, оила зиндоннинг ўзи бўлади, бунинг жабрини эса эр ва хотиннинг ўзигина эмас, балки фарзандлари, яқинлари ҳам тартади.

Оила покликка ва софликка, икки томонлама муҳаббатга, садоқат ва вафодорликка асосланиши керак. Бу фарзандлар тарбияси учун муҳим омил ҳисобланади.

Енг қадимги одатимизга кўра, ўзбек оиласи ҳам тўйдан бошланади. Халқимиз саховатли халқ. Топганини эл-юрт олдига қўйсам, дейди. Халқимизни тўйсеварликда айблаб бўлмайди. Агар айбласак, ўз-ўзимизни камситган бўламиз. Тўй ва ма'ракаларимизга ўринсиз тош отиш инсофдан эмас. Лекин тўй баҳона сохта обрўолишга интилиш, кимошарга исрофгарчиликка йўл қўйишни оқлаб бўлмайди. Тўй ва ма'ракаларда мусобақа эмас, хайр-саховат ва ма'навият қадриятларини мустаҳкамлаш устивор бўлгани яхши.

ўзбек оиласининг ташқаридан сезилмайдиган ўзига хос ички қонун-қоидалари, ахлоқий, ма'навий мезонлари бор. Қуйида биз шулардан ба'зилари, турмуш учун зарурлари ҳақида тўхтаб ўтишни лозим топдик, зеро бу Сиз каби оила қуриш олдига турган ёшлар учун фойдадан холи бўлмас, деган ниятдамиз. Айтмоқчи бўлган гапларимизни эшитган бўлсангиз, яна бир бор эшитсангиз фойдадан холи эмас.

Ризқ-рўз тонгда ҳар бир одамга, оилага улашилади. Кимки ғафлат босиб, ўрнида ётаверса, ризқидан қуруқ қолади, дейилади. Барвақт турилса, иш унумли, ўша кун хайрли бўлади....

Юз-қўлни ювмасдан ҳол-аҳвол сўралмайди, юз-қўлни ювгандан сўнг кичиклар катталарга салом берадилар, аёллар нонушта тайёрлайдилар, қизлар-келинлар ҳовли, эшик олдини супуриб, сув сепиб қўядилар...

Иш ёки ўқишга оиланинг табаррук ёшлиларидан фотиҳа олиб кетилиши ахлоқ-одоб доирасига киради, қайтганда, аввал уларга учрашиб, салом берилади, ҳол-аҳвол сўралади...

Оила одобига кўра катта ёшлилар болаларга, балоғатга этган фарзандлар, келинлар катта ёшлиларга очиқ-сочиқ ҳолда кўринмайдилар, бачкана қилиқ қилмайдилар, пардасиз сўзларни айтмайдилар. Кўчага уй кийимида чиқилмайди ва бошқалар. Айтаверсак, ўзбек оиласининг фазилатлари кўп, қонунларда белгиланмаган, аммо миллатимизнинг қадриятларига айланган тартиб ва талаблари мавжуд. Уларни фарзандларимиз ўзлаштириши ҳам фарз ва ҳам қарзидир.

Шундай қилиб, оила - жамиятнинг асосий бўғини. Оилада сингдирилган тарбия, Ватан, эл-юрт, мустақиллик, озодлик ҳақида берилган тушунча, тасаввур боланинг мурғак қалбида бир умр муҳрланиб қолади. Оила мустаҳкам, тинч, фаровон, соғлом бўлсагина, жамиятда барқарорлик вужудга келади. Президентимиз та'кидлаганларидек, «Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, кадр-қимматини англаб этмасдан, оилага миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндашмасдан туриб, халқчил мафкура яратолмаймиз»¹. Я'ни ма'навий соҳадаги вазифаларимизни муваффақиятли амалга ошираолмаймиз.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда оилани мустаҳкамлашга алоҳида э'тибор берилмоқда. Жумладан, Асосий қонунимизнинг «Оила» деб аталган 14-бобида қуйидаги қоидаларни ўқиш мумкин:

«63-модда. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга...

64-модда. Ота-оналар ўз фарзандларини вояга этгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар...

65-модда. ...Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади» ва бошқалар.

¹ Каримов И.А. Миллий истилол мафқураси – халқ э'тиоди ва буюк келажакка ишончдир. 23-бет.

Мустақил Республикамизда Оила муносабатларига алоҳида аҳамият берилаётганлигини Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ ўн биринчи сессиясида «Оила кодекси» ҳақидаги қонуннинг қабул қилинишида ҳам кўришимиз мумкин. Давлатимизнинг оиланинг ролини оширишга қаратилган сиёсати албатта фарзандларимизнинг ма'навиятини юксалтиришида катта аҳамиятга эга бўлади.

2-масаланинг баёни. Адабиёт ва сан'ат асарлари мустақил республикамиз фуқаролари ма'навий дунёсини бойитиш, уларни гўзал нарсаларнинг ҳаммасидан баҳраманд қилиш каби ажойиб хусусиятларга эга. Ма'навий ғояси юксак, бадий жозибали адабиёт ва сан'ат асарлари кишилар қалбига тезроқ йўл топиш, эстетик хиссиётига кучли та'сир қилиш, ҳаётини воқеа-ҳодисаларни чуқур мушоҳада этишга да'ват этиш каби хусусиятлари билан ажралиб туради. Шунинг учун адабиёт ва сан'ат асарларининг кишиларни юксак ма'навий-ахлоқий руҳда тарбиялашдаги бадий та'сир этишдек воситалик хусусиятидан имкони борича кенгроқ фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Адабиёт ва сан'ат асарларининг кучи унинг халқчил ва тушунарлилигида, кишилар ички - руҳий дунёсига эмоционал та'сир кўрсата олишидадир. Ма'навий баркамол авлодни тарбиялашда адабиёт ва сан'атнинг ана шу хусусиятини ҳисобга олиш муҳимдир.

Ма'навий тарбияда ўзбек халқининг бой ма'навий меросидан кенг фойдаланиш унинг та'сирчанлиги, самарадорлигини оширишда муҳим омил бўла олади. Ёшларимиз ма'навий тарбиясида Юсуф хос хожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Лутфий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Машраб, Муқимий, Фурқат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби классик шоир ва ёзувчиларимиз асарларидан фойдаланишимиз улар қалбини, руҳий дунёсини ма'навий бойитишда катта аҳамиятга эгадир. Уларнинг бизга қолдирган бой бадий-ма'навий мероси ўзининг чуқур фалсафий мазмуни, ахлоқий йўналиши билан ажралиб туради.

Классик сан'аткорларимиз асарларида ҳалоллик ва поклик, тўғрилиқ, бировнинг ҳақиқага кўз олайтирмаслик, хиёнат қилмаслик, инсонпарварлик, ватанпарвалиқ, меҳнатсеварлик, диёнатлилиқ, иймонлилиқ, ҳалол луқма билан кун кўриш, ота-онани ҳурмат қилиш каби инсон учун зарур ма'навий хислатлар юқори бадий савияда баён этилган.

Ма'навий тарбияда Пиримқул қодиров, Одил Ёқубов, Саид Аҳмад, Ўткир Хошимов, Тоҳир Малик каби ёзувчиларимиз; Абдулла Орипов,

эркин Воҳидов, Ойдин Хожиева, Омон Матчон, Рауф Парфи каби шоирларимизнинг асар ва ше'рларидан ҳам кенг фойдаланиш, бадиий асарлар, улардаги қаҳрамонларнинг фе'л-атвори, ахлоқи, ма'навий дунёси тўғрисида суҳбат, мунозара ўтказиш катта самара беради.

Ма'навий тарбияда кишилар онги, руҳиятига та'сир этишда театр сан'атининг ҳам роли, ўрни ва аҳамияти, та'сир этиш доираси имкониятлари чексиздир. Биз театр сан'атини икки томони чархланган шамширга ўхшатишимиз мумкин. У бир томони билан кишилар қалбига ёруғлик олиб кирса, уни юксак ма'навийлик томон йўлласса, иккинчи томони билан эса инсон қалбидаги нодонлик, жаҳолат я'ни ма'навийтсизликка ва жаҳолатга қарши курашади.

Театр сан'ати бошқа сан'ат турлари каби образли - бадиий табиати билан инсон қалбига эмоционал та'сир кўрсатиш, унинг руҳий дунёсига чуқур кириб бориш, шу орқали ма'навий дунёсини бойитиш хусусиятига эга. Мустақилликни мустаҳкамлаш, кишиларни юксак ма'навийлик руҳида тарбиялашда театр сан'атининг ана шу хусусиятидан унумли фойдаланиш замон талаби. Афсуски, кишиларимиз, шу жумладан ёшларимизнинг театр, кино сан'ати, ёки сан'атнинг бошқа турларига бўлган қизиқиши унчалик этарли даражада эмаслиги кишини ажаблантиради. Театр воқелигимиз, кишиларимиз турмуши, интилиши, қизиқиши, хатти-ҳаракатларини ҳаяжон билан акс эттирадиган майдондир. У бир вақтнинг ўзида ҳам сўз, ҳам мусиқа, ҳам хатти-ҳаракат орқали инсон қалбига та'сир этиш хусусиятига эгаллиги билан ажралиб туради. Шунинг учун театр ва кино сан'атининг бу хусусиятидан ма'навий тарбияда фойдаланиш катта самара бериши шубҳасиз. Фақат улардан самарали фойдаланиш лозим бўлади.

Бундай асарларни кишилар қалбига кириб боришида телевидение имкониятларидан фойдаланишга алоҳида аҳамият бериш талаб этилади. Кишиларимиз «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи» каби кўрсатувларни сабрсизлик билан кутганидек, ма'навий юксакликка чорлайдиган, я'ни жасорат ва олижанобликни, ма'навий гўзаллик ва ахлоқий покликни, улуғворлик, нафосат ва ма'навий кадриятларимизни тарғиб этувчи бадиий юксак адабиёт ва сан'ат асарларига муҳтождир. Чунки, улар ма'навийтимизни юксалтирибгина қолмасдан, шунинг билан бирга ёшларимизга илм эгаллашда, миллат ва ватанни тараққий эттиришда фидойилик

кўрсатишда, завқ-шавқ ва илҳом бағишлайдиган воситаларнинг асосийларидан бири ҳисобланади.

Тарбиявий ишларни амалга оширишда ва ёшларимиз онгига миллий истиқлол ғояларини сингдиришда республика ма'навият ва ма'рифат кенгашининг олиб бораётган амалий ишларини ҳам а'лоҳида та'кидлаш лозим бўлади. Унинг вилоятлардаги ва Тошкент шаҳридаги билимларида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, талаба ёшлар билан республикамизнинг кўзга кўринган адабиёт ва сан'ат арбобларининг учрашувларини ташкил қилиш, кўзга кўринган олимлар иштирокида турли илмий-амалий конференциялар уюштириш каби ўта муҳим ишларни амалга оширилмоқда. Айниқса, бу кенгаш томонидан ма'навият, тарбия ва та'лим масалаларига бағишланган илмий, илмий-оммабоп рисоаларни босиб чиқараётгани ва уларни ёшлар ўртасида кенг тарғибот қилаётганлигини алоҳида та'кидлаш лозим бўлади. Бу кенгаш ўз фаолияти билан мамлакатимизда тарбия борасида олиб борилаётган умумий ишга ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ма'навий тарбия бугунги куннинг энг долзарб масаласи. Бу ишга юртимизнинг барча зиёлилари - ўқитувчилар, журналистлар, ёзувчилар, врачлар, артистлар, барча раҳбарлар бирдек мас'улдирлар. Мамлакатимизда тарбияни ҳозирги замон талаблари даражасида олиб боришда мавжуд барча имкониятлар ва воситалардан самарали фойдаланганимиздагина ма'навияти юксак ёшларни тарбиялашга эришиш мумкин бўлади. Ҳокимият бошқарув тизимида ма'навий баркамол шахсларни жалб қилиш давлат тараққиётининг муҳим шарти. Ма'навият тараққиётида давлат томонидан олиб бориладиган сиёсатнинг роли ниҳоятда каттадир. қайси мамлакатда ма'навият ва ма'рифатни кўтариш, у ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлса, ўша мамлакатда тинчлик, барқарорлик вужудга келади, илм-фан, ма'рифат ва маданият ривожланади. Бу ўз навбатида мамлакат олдида турган турли энг мураккаб муаммоларни ҳам ҳал этиш имконини яратади. Давлат ўз фаолиятида ма'навият ва ма'рифатни ривожлантиришни устивор вазифа сифатида қарагандагина унинг барқарор тараққий этиши учун имкониятлар кенгайиб боради. Бу ҳолатни тўғри англаган мамлакатимиз раҳбарияти, хусусан Президентимиз И.А. Каримов мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ма'навият ва ма'рифатни ривожлантиришга

алоҳида аҳамият бериб, унга раҳнамолик қилиб келаётирлар. Юртбошимизнинг бирор нутқи, асари йўқки уларда у ёки бу жиҳатдан ма'навият ва ма'рифат масалаларига ёндашмаган бўлсинлар.

Ма'навият ва ма'рифатни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигининг яққол мисоли қилиб 1994 йил 23 апрелда «Ма'навият ва ма'рифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида»ги; 1996 йил 9 сентябрдаги «Ма'навият ва ма'рифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида» Президентимиз фармонларини; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 июлдаги «Ма'навий - ма'рифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора тadbирлари тўғрисида» қарори; Республика Олий Мажлиси биринчи чақириқ тўққизинчи сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури ва умумий ўрта та'лимни ислох қилиш тўғрисида» қабул қилинган қонунни ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Кейинги ўтган давр мабойнида юқорида қабул қилинган фармон ва қонунларни бажариш юзасидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Шу ўринда ўқитувчи бу борада амалга оширилаётган ва оширилган, ўз эчимини топган масалалар бўйича мисоллар келтириши мақсадга мувофиқ.

Ма'навият, ма'рифат ва сиёсатнинг ўзаро боғлиқлиги масаласи устида тўхталишдан олдин сиёсатнинг моҳиятини очиб бериш лозим.

Сиёсат - юнонча сўз бўлиб, мазмуни давлат ёки жамоат ишларини англатади. Сиёсат - катта ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, давлатлар ички ва ташқи муносабатлари соҳасидаги фаолиятни англатади.

Сиёсат - бу муайян давлатлар ҳокимияти, сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, жамоат ташкилотларининг мамлакат ички ҳаётида ва халқаро майдонда халқлар, миллатлар, ижтимоий гуруҳларнинг мақсад ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятидир.

Сиёсат ҳар қандай жамиятда ҳам давлат фаолиятини ифода этади. Чунки жамиятдаги барча жараёнлар ва муаммоларнинг қўйилиши ҳамда уларнинг ҳал этилиши давлат олиб борадиган сиёсат билан боғлиқ бўлади.

Сиёсат энг йирик икки йўналишга - ташқи ва ички сиёсатга бўлинади. ўз навбатида улар ҳам ўзининг бир неча тармоқларига бўлинадилар. Бу эрда гап унинг тармоқлари ҳақида эмас, балки сиёсатнинг ма'навият билан муносабатлари ҳақида бормоқда.

Сиёсат мамлакат ички ҳаётида икки юналишда олиб борилиши мумкин. Уларнинг бири тараққийпарвар, инсонпарвар, адолатли сиёсат бўлса, иккинчиси адолатсиз, реаксион сиёсатдир.

Мамлакатда фақат турли гуруҳлар ва ҳаракатлар ҳукмронлигини та'минлашга, меҳнаткашлар, халқ оммаси манфаатларига зид бўлган, уларни бир-бирига қарама-қарши қуйишга ва шу асосида тор доирадаги гуруҳлар манфаатларини ҳимоя қилувчи тузумни сақлаб қолишга қаратилган сиёсат - адолатсиз, реаксион сиёсатдир. Бу сиёсатнинг жамият ва мамлакат миқёсида ҳукмронлиги инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига, мамлакат моддий ва ма'навий бойликларининг талон-тарож қилинишига, мамлакатда зўравонлик, жоҳиллик, текинхўрлик, ма'навий ва моддий қашшоқликнинг вужудга келишига олиб келади.

Мамлакатда олиб бориладиган бундай адолатсиз, реаксион сиёсат нафақат унинг ичдан эмирилишига, балки халқаро муносабатларда ҳам обрў-э'тиборининг тушишига олиб келади. Хуллас, бундай сиёсатнинг олиб борилиши мамлакатни ҳалокатга олиб келади.

Адолатсиз, реаксион сиёсатга қарама-қарши ўлароқ тараққийпарвар, инсонпарвар, ма'рифатпарвар сиёсат мамлакат ва унинг халқи манфаатларига хизмат қилади. Бундай сиёсат энг аввало инсон зотини улуғлашни, унинг моддий ва ма'навий манфаатларини ҳимоя қилишни, мамлакатда тинчлик, барқарорликни та'минлашни мақсад қилиб олади. Илм, ма'рифат, маданиятни, техника, технологияни ривожлантириш, фуқароларнинг замонавий билимни эгаллашларига кенг йўл очиш ва ғамхўрлик қилиш тараққийпарвар, инсонпарвар, ма'рифатпарвар сиёсатнинг муҳим йўналишини ташкил этади.

Бундай сиёсатнинг устиворлиги ва ма'навиятли томони шундаки, у мамлакатда мавжуд муаммоларни ҳал қилишда вазминлик вазиятини вужудга келтиради, ҳар қандай тўпалон ва бебошликнинг олдини олишга, энг мураккаб мунозарали муаммоларни ҳам музукоралар, баҳслар йўли билан ҳал қилишга ёрдам беради.

Давлат тараққиётпарвар, инсонпарвар, ма'рифатпарвар сиёсат олиб боришни мақсад қилиб олган ва унга амал қилган бўлса, у албатта ташқи сиёсатда ҳам ўзга халқларнинг эрларини тортиб олиш, уларни асоратга солиш, талончилик қилиш каби тажовузкор сиёсатни эмас, балки барча давлатлар билан тинч-тотув яшаш, ўзаро ҳамкорлик қилиш сиёсатини олиб боради. Ташқи сиёсатда бундай йўлни тутган давлатлар қуролланиш учун кетадиган харажатларни мамлакатнинг ма'навий ва ма'рифий ривожланишига сарфлайди. Мустақил

Ўзбекистонда Президентимиз Ислон Каримовнинг бевосита раҳнамолигида ҳам ички ҳам ташқи сиёсатда тараққиётпарвар, инсонпарвар ва ма'рифатпарвар сиёсат олиб борилмоқда. Бунинг натижасида ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрў-э'тибори тобора ошиб бормоқда. У танлаган йўл жаҳондаги мамлакатлар томонидан тан олинмоқда. 1997 йил мамлакатимизда «Инсон манфаатлари» йили, 1998 йил «Оила» йили, 1999 йил «Аёллар йили» сифатида из қолдирди. 2000 йил эса «Соғлом авлод» йили сифатида ўтмоқда. Сиёсатнинг ма'навий ҳаётга реал та'сири мамлакатда ма'рифатни, илм-фан, адабиёт ва сан'атни ривожлантириш тўғрисида кўрсатадиган амалий ишларда намоён бўлади.

Ўз навбатида фуқароларнинг юксак ма'навиятга ва ма'рифатга эга бўлишлари мамлакатнинг ҳар томонлама ривожланишига ўзининг ижобий та'сирини кўрсатади.

Ма'навият ва ма'рифатга таянган мамлакатда тинчлик, барқарорлик ҳукмроан бўлади ва у тараққий қилиб бораверади. Ма'навияти ва ма'рифати юксак халқнинг давлати ҳам ҳар томонлама юксалиб бораверади. Ундай давлат, мамлакат ва халқни зўравонлик сиёсати ва қурол ёрдами билан ўзига қаратиши мумкин, аммо ма'навий жиҳатдан батамом қарам қила олмайди. Бунга қуйидаги фикр мисол бўла олади. Чор Россияси Туркистонни истило этгач, шарқшунос олим В.В.Бартольд (1869-1930) бу ўлкага бир неча бор ташриф буюриб, сўнг Санкт-Петербург фанлар академияси маданий кенгашида ҳисоб беради. У ўз ҳисоботида шундай та'кидлайди: «Биз шу пайтгача маданий савияси ўзимиздан анча паст бўлган халқларнинг эрларини босиб олдик. энди бўлса, Туркистон мисолида тамоман тесқари аҳволга дуч келиб турибмиз... Туркистонликлар бизнинг ҳарбий устунлигимизга тан беришди, аммо ма'навий устунликларимизни тан олишганлари йўқ. Вазифа шуни тан олдиришдан иборатдир... То шуни тан олинмас экан, биз узил-кесил ғалаба қозондик деб айта олмаймиз»². Буни изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Ма'навият ўзининг салоҳияти билан халқ ва мамлакат ҳаётида сиёсатни тўғри, адолатли, инсонпарварлик йўналишида олиб боришда катта аҳамиятга эгадир. Давлатнинг куч-қудрати, унинг баркамоллигини та'минлашнинг муҳим омилларидан бири сиёсатни ана шу йўналишда олиб бориш саналади. Айни вақтда ма'навият давлат сиёсатини оммага этказиб туришга яқиндан ёрдам беради.

² Ўзбекистон овози, 1991, 27 сентябр.

2-масала. Ма'навият ва ҳуқуқ бир-бири билан боғлиқдир. Жамият, давлат доирасида ҳуқуқ нормаларининг белгиланиши одамларнинг қайси даражада ма'навиятга эга бўлишларига боғлиқдир. Мамлакат миқёсида қабул қилинадиган конституцион қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг даражалари шу мамлакат фуқароларининг ма'навияти ва сиёсий маданиятини ифода этади. Бу масаланинг бир томони.

Иккинчидан, конституцион қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчларини ва давлат сиёсатининг йўналишларини фуқароларнинг ма'навияти ривожланиши даражаларига мос равишда расман белгилаб беради. Аммо шуни алоҳида та'кидлаш лозимки, юқоридан туриб қонун қабул қилиш ҳар қандай юксак даражадаги қонун ва норматив ҳужжатлар фақат фуқароларнинг ма'навий салоҳияти ва сиёсий онги даражасидагина амал қилади, ундан нарига ўта олмайди. Аслини олганда, одамларнинг ма'навияти ва сиёсий онги қабул қилинадиган қонунлар ва бошқа ҳужжатларда белгиланадиган расман нормалардан юқори бўлиши керак. Ана шундагина фуқаролар жамиятнинг тараққий қилишида фаол иштирок этадилар.

Агар фуқароларнинг ма'навияти ва сиёсий онги қабул қилинган қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг даражаларидан орқада қоладиган бўлса, у қонунлар ва ҳужжатлар қанчалик фуқаролар манфаатларини ифода этмасин, улар қоғозда қолиб кетаверади. Бундай ҳолатда жамият ҳаётида икки салбий ҳолат ҳукм суради. Биринчидан, фуқаролар билан давлат ўртасида, масофа узоқлашиб боради; иккинчидан, тараққиёт ҳақида айтиладиган сўзлар билан реал ҳаёт бир-бирига тўғри келмай қолади. Бу эса жамият тараққиётига салбий та'сир кўрсатади, бунга йўл қўймаслик учун давлат ўз фуқароларининг ма'навиятини ривожлантириши ва сиёсий онгини ўстириш тўғрисида ғамхўрлик қилиши талаб этилади.

Мустақил ўзбекистон давлати Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида фуқароларнинг ма'навияти, сиёсий ва ҳуқуқий онгини ўстириш соҳасида доимий ғамхўрлик қилиб келмоқда. Буни мустақил Ватанимизнинг биринчи асосий қонуни ҳисобланган Конституциямизда яққол кўришимиз мумкин.

Бу Конституцияда мамлакатимизда қурилмоқчи бўлган адолатли, демократик, ҳуқуқ устиворлигига асосланган жамият қуришнинг юналишлари белгилаб берилган. Мустақиллигимизнинг моҳияти ва

имкониятидан келиб чиқиб фуқароларимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчларининг нормалари белгилаб қўйилган.

Конституциямизда миллий хусусиятларимиз ва қадриятларимиздан келиб чиқиб, бир қатор ҳуқуқий нормалар белгиланганки, у халқимиз ма'навияти, қалби ва руҳияти қирраларини ўзида ифода этган. Жумладан, «Вояга этмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир» (45-модда), «Хотин-қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқлидирлар» (46-модда), «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир, ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» (63-модда), «Давлат ва жамият эгим болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни та'минлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятини рағбатлантиради» (64-модданинг 2-қисми), «Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади» (65-модданинг иккинчи қисми).

Кўриниб турибдики, Конституциядан келтирилган ҳар бир моддада давлатимизнинг фуқаролари ҳуқуқлари, эркинликларини та'минлаш, уларни моддий ва ма'навий жиҳатдан ўстириш тўғрисида кўрсатаётган ғамхўрлиги ўз ифодасини топган. Мамлакатимизда фуқароларимизнинг ҳуқуқий билимларини ошириш тўғрисида изчиллик билан сиёсат олиб борилмоқда. Жумладан, 1996 йил 11-13 сентябрда Тошкентда инсон ҳуқуқларини та'минловчи миллий муассасаларнинг фаолиятига бағишланган халқаро семинар ўтказилди. Бу семинарда инсон ҳуқуқларини та'минлашдек энг долзарб масала муҳокама этилди. Президентимиз фармони билан инсон ҳуқуқлари бўйича ўзбекистон Республикаси миллий Маркази ташкил этилди. Бу давлатимизнинг умуминсоний ма'навий қадриятларни та'минлаш йўлидаги дадил қадамидир.

Ҳар бир фуқаронинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини билишлари, унга амал қилишлари жамият ҳаёти учун, мамлакатда барқарорликни ва қонунларнинг устиворлигини та'минлашда катта амалий аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда ма'навиятимизнинг муҳим омили сифатида миллий тилимизнинг ёшларимиз томонидан чуқур ўзлаштирилиши, унинг чинакам давлат мақомини олиши зарурлиги мунтазам та'кидланиб келинмоқда. ҳақиқатда бу борада жуда катта ишлар амалга оширилди.

Давлат тили тўғрисида қонун қабул қилинганлигига (1989 йил 21 октябрь) 10 йилдан ошди. Тилимизга бериладиган бундай имконият учун қанчадан-қанча миллатпарвар одамларимиз кураш олиб бордилар. Лекин вақт ўтиши билан «ҳис-ҳаяжонларимиз» сўниб

бормоқда. Аммо бир қатор жойларда давлат тилини жорий қилиш кониқарсиз аҳволда эканига ачинасан киши. Хусусан, ҳужжатлар рус тилида тўлдирилади, ҳисоботлар рус тилида талаб қилинади, мажлис баёнлари рус тилида олиб борилади.

Бугунги кунда кўчаларнинг номларини миллатимизнинг фан, маданият ва давлат арбоблари номларига алмаштириш ҳам кониқарсиз ҳолатдалиги ҳақиқатдир.

Аслида давлат тилини барча жабҳаларда жорий этиш бўйича республика, вилоятлар ва шаҳарларда махсус ҳай'ат тузилган. Бундай ҳай'атларнинг иши ҳам суст, талаб даражасида эмас. Бу ҳол албатта ма'навиятимиз ривожига ўзининг салбий та'сирини ўтказди.

қонунларни билиш, уларга итоат этиш, ўз ҳуқуқларини, эркинликларини ва бурчларини тушуниб этиш ҳар бир фуқаронинг юксак ма'навий фазилати. Бу адолатли, демократик, ҳуқуқ устиворлигига асосланган янги жамият қуришнинг ҳам кафолатидир. Худди шу ма'нода ёшларимиз, талабаларимиз ҳуқуқий билимларни чуқур ўзлаштиришлари ва сиёсий онгларини ривожлантиришлари бугунги кунимизнинг энг долзарб муаммоси ҳисобланади.

3-масаланинг баёни: ҳокимият ўз моҳияти ва мақомига кўра раҳбарлик ва ҳукмронлик қилиш муносабатларини ифода этувчи тушунчадир. ҳокимият алоҳида шахс, гуруҳ, одамлар, ташкилот, сиёсий партия, давлатнинг ижтимоий ҳамкорликнинг бошқа иштирокчиларига куч ишлатиш ёки куч ишлатмаслик воситалари ва услублари ёрдамида ўз иродасини ўтказиш ва уларнинг ҳаракатларини бошқаришни англатади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, давлат ҳокимият ва бошқарув идораларини янгитдан ташкил этди. Натижада янги давлат органи - вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлиги бошқаруви вужудга келтирилди. ҳокимликлар ўз фаолият доирасида ўзбекистон Республикаси қонунларини, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг ҳуқуқий ҳужжатларини амалга оширадилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама этиш, ҳаётга жорий этишда бевосита иштирок этадилар. Шу жумладан, ҳокимликлар давлатнинг ма'навият ва ма'рифат соҳасидаги сиёсатини амалга оширишда ҳам мас'улдирлар.

Ма'навият ҳокимият тизимида турли табақа, турли тоифадаги аҳолининг умумий манфаатларини ўзида мужассам этиб, уларнинг бир мамлакат фуқароси сифатида умумий эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим омили саналади.

Мустақил ўзбекистон халқи ўз олдига ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишни мақсад қилиб қуйган. Бу мақсаднинг самарали амалга ошиши давлат бошлиғи ва жойлардаги ҳокимларнинг дунёқараши, оғир пайтларда энг мақбул ва энг тўғри йўналишни тез англаб олиш қобилияти билан боғлиқ. Дарҳақиқат, жамият ва инсоният тараққиётида шахснинг роли бениҳоя катта. Раҳбар – шахснинг ма'навий, ижтимоий-сиёсий баркамоллиги, қандай мақсад ва ғоялар билан яшаётганлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Шарқ донишмандлари ҳокимият тепасида турган киши қанчалик доно, ақлли ва сезгир бўлса, бу ўша давлат, унинг халқи учун ҳам шунчалик катта бахт дейишган. Я'ни Шарқ мутафаккирлари давлат ва жамият, подшо ва раият ҳақида ёзганда, нуфузли инсоннинг ма'навий этуклигига, поклигига асосий э'тиборини қаратиб, адолат, ростлик, меҳр-шафқат, саховат ва қаноат каби сифатларни ҳимоя қилганлар.

Буюк мутафаккир Абу Наср Фаробий «Фозил кишилар шаҳри» номли асарида давлатни бошқарувчи раҳбар шахснинг ўн икки фазилатини санаб ўтади. Унинг фикрига кўра, раҳбар аввало соғлом, ақлли, хушёр, заковатли одам бўлиши, қалбида адолат туйғуси жўш уриб туриши, дўсту душманни, рост ва ёлғонни ажратадиган бўлиши керак. Давлатни фозил кишилар бошқариши лозим. Фозил кишилар кўпайган шаҳарларда осойишталик, фаровонлик ҳам бўлади, деб кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, ҳозирги мустақиллик даврида давлат раҳбаридан, ҳокимият тизимида ишлаётганлардан жуда катта мас'улият ва фидоийлик талаб этилади. ҳокимият тизимидаги ҳар бир раҳбар шахс бутун ҳаёт завқини машаққатга алмаштирган, ўз ҳаёти ва жонини мамлакат ва халқ ҳаёти йўлига тиккан ватанпарвар, халқпарвар, ҳалол, пок, тўғри - қўйингчи ҳар томонлама юксак ма'навиятли, баркамол инсон бўлиши керак.

Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоятлари Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқларида та'кидлаганидек, лавозим кишига кибру ҳаво, бойлик тўплаш ва кайфу сафо учун берилмайди. Аксинча, у юксак мас'улиятни, ҳаётнинг бутун роҳат-фароғатидан кечишни, керак бўлиб қолганда ўзидан кечишни талаб қилади. Бундай қараш ҳар биримиз учун, шу жумладан, айниқса ҳокимият тизимида ишлаётганлар учун одатга айланиши, ҳаётимизга сингиб кетиши керак.

Раҳбар ходимлар ўз ҳаёт фаолиятларида давлатчилик, эл-улусни бошқаришда адолат, ватан, халқ манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш тамойилларига амал қилишлари юксак ма'навийлик мезонларига мос тушади. Агар раҳбар ходим айшу-ишратга берилиб, ўзининг талабчанлик, ташкилотчилик ва раҳбарлик бурчини унутиб қўйса, ўша жойда қонунга риоя қилиш, тартиб-интизом масалалари қолипдан чиқиб кетиши табиий ҳол. Раҳбар ўз фаолиятида маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик кабиларга йўл қўйса, бу тараққиётимиз ва тинч-фаровон ҳаётимизга хавф соладиган таҳдидга айланади. ҳокимият тизимидаги раҳбар ходимларнинг ма'навий қиёфасидаги бундай салбий иллатлар жамиятимиз, мустақиллигимиз учун катта хавф эканлиги Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида кенг, атрофлича баён қилиб берилган. Гап шундаки, ҳокимиятнинг бошқарув тизимида ишлаётган раҳбар ходимлар амалдан мағрурланиб, боши айланиб, ўз фаолиятида маҳаллийчилик, ошна оғайниччилик, уруғ-аймоқчилик иллатига йўл қўйса, бундай раҳбар худбинлик касалига дучор бўлиб, оёғи эрдан узилади. эл-улус назаридан қолади. Президентимиз айтганидек, раҳбарлар келиб кетади, эл, халқ қолади. Лекин ана шу раҳбар халқ кўнглидан ўзига жой топа олдими? эсда қоладиган бирор хайрли иш қила олдими?

Кимдан боғ қолдию, яхши ном, яхши хотира қолаяптию, кимдан ёмон ном, доғ, иснод қолаяпти, буни одамларнинг ўзлари ажратиб олади.

Хулоса шуки, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқ ишончини қозониш учун ҳокимиятни бошқарув тизимида ма'навий баркамол шахсларни жалб қилиш тараққиётимизнинг муҳим шартли хисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.: “Ўзбекистон” 1996 й.

2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: “Шарқ”. 1998 й.

3. Амир Темур ўғитлари. Т.: 1992 й.

4. Буюк сиймолар, алломалар. “Ўзбекистон” 1996 й.
5. Б.Қосимов ва бошқалар. Ватан ва миллат муқаддасдир. Т.: “Ўқитувчи” 1996 й.
6. Н.Комилов. Нажмиддин Кубро. Т.: 1995 й.
7. Ж.Раҳимов. Туроннинг шерюрак баҳодири. Т.: “Ўқитувчи”. 1999 .